Mustaqil gazeta

HURRIYAT

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan

№40 (294) 2002-yil 9-oktabr

"Ҳуррият" сизники, Сиз ҲУРРИЯТники бўлинг!



Газетамизга обуна давом этмоқда.

Нашр кўрсаткичимиз:

Якка обуначилар учун — 233, ташкилотлар учун — 234.

Робита

ҲАМКОРЛИК САРҲАДЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўтган ҳафта ичида Президент Ислом Каримов кетма-кет иккита мамлакатга ташриф буюрди. Айтиш жоизки, ҳар икки сафарнинг бир қанча уйғун ва муштарак жиҳатлари бор. Шу ўринда Президентнинг Душанбе шаҳрига қилган сафарини алоҳида таъкидламоқ лозим. Унда бир-бирига боғлиқ бўлган иккита — "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилоти саммити ҳамда Халқаро Оролни қутқариш жамғармасига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда нафақат минтақавий, балки халқаро масалалар ҳам кўриб чиқилди. Афғонистондаги бугунги ҳолат янгича асосга қурилган ҳамкорликни, янгича қарашларни вужудга келтирмоқда. Шу минтақадаги мамлакатлар Афғонистон билан қўшничилик қилар экан у ердаги бугунги вазиятга бефарқ қараб туришлари мумкин эмас. Шундай экан бу борадаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш зарур. Мамлакатимиз раҳбари саммитдаги нутқида ана шу масалага доир бир қанча таклиф ва мулоҳазаларни ўртага ташлади. Ва бу таклифлар саммит иштирокчилари томонидан қўллаб-қувватланди.

Душанбедаги саммит танқидий руҳда ўтганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Интеграция жараёнларига, асосан, нималар тўсиқ бўлмоқда, уни ривожлантиришнинг яна қандай самарали омиллари мавжуд? Саммитда ана шундай саволларга ҳам жавоб изланди. Ўзаро келишувга мувофиқ шу йилнинг ноябрь ойида пойтахтимизда ушбу мамлакатлар вакиллари иштирокида бизнес-форум, йил охирида эса Парламентлар вакилларини йиғилиши ўтказилади.

Саммитда чегараларни демилитация қилиш борасида ҳам сўз борди. Бундан ташқари сув-энергетика ҳамда транспорт ва озиқ-овқат консорциумини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Саммит сўнгида Президентларнинг қўшма коммюникеси имзоланди. Тожикистон ва Ўзбекистон томони давлат чегараларини демилитация қилиш тўғрисидаги ҳужжатни имзоладилар.

Орол муаммосига бағишланган саммитда ҳам бир қанча амалий тадбирлар белгиланди. Ҳукуматларга 2003 — 2010 йилларни ўз ичига қамраб олган махсус дастур ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди. 2003 йилнинг сентябрида эса Душанбе шаҳрида Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси тузилганига 10 йил тўлиши муносабати билан Халқаро конференция ўтказишга келишиб олинди. Саммит ниҳоясида мамлакатлар раҳбарлари Душанбе декларациясини имзоладилар.

МДҲ саммитининг муштарак жиҳатлари шундаки, унда ҳам ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, унинг сарҳадларини янада кенгайтириш борасида кўп бор гапирилди. Айниқса, иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. МДҲ саммитида ҳам амалга киритилган ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш, назорат қилиш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, хавфсизликнинг таъминлаш борасида бир қанча ҳужжатлар имзоланди

Ана шулар ҳақида ёзаётган кишида у хоҳ Марказий Осиё, хоҳ МДҲ доирасида бўлсин, ўзаро ҳамкорлик сарҳадлари янада кенгайишига умид уйғониши, шубҳасиз.

Сиҳат

Инсон саломатлигини тиклаш энг улуғ савобли ишлардандир. Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги 47-оилавий поликлиника шифокорлари бош ҳаким Мавжуда Усмонова бошчилигида намунали тиббий хизмат кўрсатиб мижозлар миннатдорлигига сазовор бўлмоқдалар.

СУРАТДА: Мавжуда Усмонова ҳамкасблари билан беморни кўздан кечирмоқда.

Шавкат ЗУФАРОВ олган сурат.

Жараён

ЯПОН КИНОСИ ФЕСТИВАЛИ

Пойтахтимизда Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари доирасида япон кино санъаткорлари ижод маҳсули бўлган фильмлар фестивали очилди.

Киночилар уйида "Ўзбеккино" ДАК раиси Мурод Муҳаммад Дўст халқларимиздаги уйғунлик ва унинг кино санъатида акс этиши, ўзаро ҳамкорлик ҳақида сўзлади.

Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато бу гал ўзбек кино мухлислари японияник санъаткорлар яратган турли жанрларга мансуб бадиий, фантастик ҳамда мультипликацион фильмларни томоша қилиш имкониятига эгалигини айтди.

Кино фестивали 11 октябргача давом этади.

ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЯНГИ ТАРКИБИ

Ўзбекистон Хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши биносида Ўзбекистон-Корея дўстлик жамияти аъзоларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда ўтган даврда дўстлик жамияти амалга оширган ишлар ва фаолиятни такомиллаштириш билан боғлиқ ахборот тингланди. Уставда белгиланган муддат етгани боис дўстлик жамиятининг янги таркиби ва бошқарув ҳамда раҳбар органларини сайлаш масаласи кўриб чиқилди.

Ўзбекистон-Корея дўстлик жамиятига икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликда муносиб ҳисса қўшаётган "Ўзавтосаноат" уюшмаси раиси Қудрат Парпиев раҳбар этиб сайланди. Жамият аъзолари шунингдек, истиқболдаги фаолиятни такомиллаштириш, икки мамлакат халқлари дўстлиги ва биродарлигини янада мустаҳкамлаш юзасидан қилинадиган ишлар хусусида фикрлашдилар.

Қадрият

УЧ ОЙ ХИСЛАТИ

Доно халқимиз муҳим қадриятларга ҳеч қачон бефарқ қарамаган. Хосиятли, фазилатли кунлар, кечалар ва ойлар ана шундай маънавий қадриятлардандир.

Инсон эзгулик ва муҳаббат учун яратилган. Хўш, шундай экан, булар ибодатсиз амалга ошармикан? Кўпчиликнинг ибодат хусусидаги фикрлари мени таажжубга солади. Негаки, ибодат деганда фақат намоз ўқиш, рўза тутиш, ҳажга бориш, закот бериш каби шарафли амаллар тушунилади. Бу табиийдир. Чунки намоз, рўза, закот, ҳаж жаноби Ҳақ биз бандаларга буюрган фарз амаллардир. Шубҳасизки, улар ибодатларнинг энг олдинида туради. Бироқ ибодат деганда ёлғиз шуларни назарда тутмоқ тўғри бўлармикан?! Бировга айтилган бир оғиз ширин сўз, касални зиёрат қилиш, ҳақни ҳақ, ноҳақни ноҳақ дейиш, ота-онага, туғишганлар, қариндош-уруғ қўни-қўшнилар ҳаққига риоя этиш, ўзгалар ҳақида яхши гумон қилиш ва шу каби амаллар ҳам ибодат эмасми аслида? Бу ҳақда доктор, профессор Маҳмуд Асъад Жўшоннинг "Ҳақиқий севги" китобида: "Муҳаббат ҳам ибодатдир, дўстлик, биродарлик ҳам бир ибодатдир ва одатдаги ибодатларнинг энг асили ва савоблисидир ва энг фойдалисидир. Икки инсон биродар бўлса, Аллоҳ таоло ҳазратлари мартабаси энг паст бўлганини ўша биродари мартабасига кўтаргай" дейилади. Агар яхшилаб ўйлаб қарайдиган бўлсак, инсон кўнглида кечаётган жамики эзгуликларнинг ўзи ибодат. Ислом олами яхши ният билан барча фаолиятни ибодат ҳолига келтиради.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтмоқчимиз. Шундай амалларга муҳаббати бор инсонлар гўё эскиликка берилган замондан орқада қолган, қолоқ дея фикрлайдиган баъзи инсонлар бор эканки, улар янглишади. Ахир, буюк-буюк аждодларимиз босиб ўтган йўлни бугун биз инкор этамизми? Наҳотки, улар эскилик сарқити, замондан орқада қолган дейишга лойиқ бўлса? Замоннинг тинчлигини, фаровонлигини, инсонларнинг бир-бирига меҳр-муҳаббатли бўлиб ҳаёт кечиришларини тилаб, ёвузликка нафрат, душманларга ғазаб билан эзгу дуоларга қўл очаётганлар пок қалбли, ибодатли инсонлар эканини ҳамма ҳам идрок этармикан? "Дуо ҳам ибодатдир", "Дуо ибодатнинг ўзагидир", дейилган ҳадиси шарифлар бу сўзнинг исботидир. Дуо нима эканини билмай ўтаётганлар ҳам бор-ку!

Аслида инсоннинг ўз ихтиёрига топширилган бу амалларни ҳеч ким ҳеч кимга мажбурлай олмайди, токи инсонда хоҳиш бўлмаса, ўзи шу нарсага иймон келтирмаса, сўз зое кетиши мумкин. Мажбурлаб қилинган ибодатдан кўра, чин қалбдан, бирор бир манфаатни кўзламай, холис Аллоҳ розилиги учун бажарилса, ундай инсонлар жамиятнинг кўзгуси-ку. Тарих бу ҳақиқатни яширимайди.

Иймоним комилки, қалбида эзгулиги бўлмаган инсон бўлмаса керак. Уни амалга ошириш эса ҳар кимда ҳар хил кечади. Масалани ойдинлатмоқ учун бир мисол келтирамиз. Ноҳақ бир одам ҳақли одамдан билиб туриб ҳимоя қилинса-да, ҳақли одам жазога гирифтор бўлса бу — адолатсизлик, агар акси ўлароқ адолат қилинса, ибодат бўлади. Баъзилар эзгулик нима эканини билиб туриб ҳам қабиҳ йўлларни танлаб кетаётганига одам ачинади.

Баъзида яшашнинг маъноси ҳақида ўйлаб қоласан. "Ҳаёт фақат ўйин- кулгидан иборат, шу тўрт кунлик дунёда шундай яшаш керакки, армон қолмасин" деб ўйлайдиганлар ҳам бор. Ҳар ишда чегара ва меъёр бўлгани яхши. Акс ҳолда ўзига зарар. Ана шу зарар тўпланиб-тўпланиб, бир кун келиб ўзига чоҳ бўлишини билмай яшаш қандай фожиа! Инсон табиатан ўзига нисбатан билдирилган танқидни яхши қабул қилмайди. Негаки, танқид унинг нафсониятига тегади. Ахир, нафси ҳамиша сен яхши, қилаётган ишларинг ҳам яхши дея ҳар бир ишни кўзига гўзал қилиб кўрсатиб қўйгандан кейин, албатта ўзини ҳақ деб ўйлайди. Ваҳоланки, у нафсининг эмас, қалбининг сўзига кириши керак. Шундагина ўз камчиликларини ўзи кўра билади ва ўзгаларнинг ҳам эътирозларини тўғри қабул қила олади.

Буларни бажармоқ учун эса энг аввало қалбни нопок нарсалардан тозалаб, ниятни холис қилмоқ кераклиги ҳаммага маълум. Бироқ буни амалга оширмоқ машаққатдан машаққат эканлиги ҳам аён. Шунинг учун бўлса керак, буюк инсонлар асосий эътиборларини ўз қалбларига қаратганлар.

Инсон умри бир зумда анча масофани босиб ўтганини умри ўтиб бўлгандан кейин фаҳмлайди. Орқага назар ташлаганимизда кўнглимиз ёрушгудек бирор иш қилган бўлсак, хурсанд бўламиз. Хайрият, умрим бекорга ўтмабди, дея дилдан қувонамиз. Акси бўлганида, умрни шундай қуруқ ўтказганимиз учун қалбимиз қийналади. Кошки, ўтган умрни қайтариб бўлса, дея афсус-надоматда қоламиз. Ҳолбуки, умрнинг узоқлиги кўп йиллар билан эмас, балки умрнинг мазмуни билан белгиланади.

Чиройли ҳаёт кечириб, хотиржам яшашнинг иложи борми, деган савол мени кўп қийнайди. Хотиржам деганда иймон хотиржамлиги — эътиқоднинг тўғрилиги, танлаган йўлнинг ҳақ эканлигини билиб, ботил ёки бидъат, ҳалол ёки ҳаром нарсалардан эҳтиёт бўлишни тушунаман. Бу эса инсондан катта масъулиятни талаб этади.

Инсон нималарга эътиборни қаратиши, уларга қандай нуқтаи назар билан ёндошиши кераклиги ҳар кимнинг дунёқарашига боғлиқ. Дунёни шундайлигича қабул қилиб бўлмайди. Чунки унда турфа инсонлар, турфа олам мужассам. Ана шу хилма-хиллик ичида адашиб-улоқиб кетмаслик учун илмга таянамиз. Шайх Муҳаммад Нуруллоҳ: "Дунёнинг ичига кир, сайр қил, кўр, аммо эҳтиёт бўл, дунё сенинг ичингга кирмасин" дейди. Дунёнинг инсон ботинидан жой олмаслиги учун илм кўрғон вазифасини ўтайди.

Аллоҳ таоло бандасига шундай меҳрибонки, моддий ва маънавий қийинчиликларни бартараф этиш учун барча чораларни кўрсатиб қўйган.

Демокчимизки, инсон ҳамиша ўзида моддий ва маънавий нарсаларга эҳтиёж сезади. Бу нафақат кундалик ҳаёт учун, балки руҳий эҳтиёж учун ҳам муҳим. Зотан, киши вужудида моддий-маънавий иллатлар, хасталиклар мавжуд бўлиб, уларга қарши курашиш учун унда беихтиёр майл пайдо бўлади. Яъни қандай йўл тутсам, шу хатоим ё қусуримни тарк этаман, дея ташвишлана бошлайди. Албатта, бундай ҳоллар виждонли инсонларни кўп безовта қилади. Инсон ўша қусурларни мунтазам равишда назорат этиб, уларни даф қила олмас экан, бора-бора ўзи одамийлик сафидан ҳам чиқиб кетиши шубҳасиз.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Луқма

БУ КЎЧИРМАКАШЛИК ЭМАСМИ?

ёки пойтахтдаги қўшиқчиларга мазза экан-да!

Ҳозир қўшиқчи кўп, қўшиқ кўп. Қўшиқларнинг савияси ва сифати ҳақида гапириш — бу бошқа мавзу...

Фарғонада Отабек Мамазоитов деган қўшиқчи йигит яшайди. Тинмай янги қўшиқлар излайди, дардли, ширали овози билан нафақат Фарғонада, бугун бутун водийда унинг ўз мухлислари бор.

Шу қўшиқчининг "Малла сочли қизалоқ" номли чиройли қўшиғини тошкентлик адаши Отабек Мадраҳимов худди фарғоналик Отабек Мамазоитов йўлида, усулида айтяпти.

Отабек Мадраҳимов водийда анча таниқли қўшиқчи Тоҳирбек Маҳкамовнинг "Тоҳирбек куйлар сизларга" қўшиғини "Отабек куйлар сизларга" деб ўзлаштирган эди.

Фарғоналик Отабек Мамазоитовнинг "Беш кунлик дунё" деган қўшиғи ҳам бор. Водийда бу қўшиқ анча танилган. Шу қўшиқни Тошкентда яшовчи хонанда Озодбек Назарбеков худди шу усулда айтяпти.

Таниқли хонанда Равшанбек Комилов "Озодани севаман" деб қўшиқ айтяпти. Бу қўшиқни 3—4 йил бурун асакалик хонанда Турсунбой Парпиев шу усулда маромига етказиб куйлаб қўйганди.

Шу кунларда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Собиржон Мўминов "Куёв бўламан" деб айтаётган қўшиқни наманганлик хонанда "Камолот —92" танлови ғолиби Жалолиддин Усмонов 4—5 йилдан бери айтади, ўз мухлислари бор.

— Нега Жалолиддинни қўшиғини сўрамай-нетмай айтдингиз? — деган саволга Собиржон Мўминов: "Жалолиддин Усмоновни республика миқёсида кўпчилик танимайди, уни танитиш учун айтдим", деб жавоб қилди "Экспресс-Инфо" газетасига. Меҳрибонликни, ғамхўрликни қаранг-а!

Хулоса шуки, водийда-ю воҳада ҳам истеъдодли хонандалар кўп. Уларнинг қўшиқларини республика радиоси ва телевидениеси орқали бемалол қўйса, пойтахтда яшовчи анча-мунча хонандаларникидан қолишмайди. Масофа узоқ, турли сарф-харажатларга камхаржроқ чеккадаги қўшиқчиларнинг қўшиқларини Тошкентда яшовчи хонандалар "илиб" кетавериши инсофданми?!

Бу йўл билан саньат, хусусан қўшиқчилик ривожланмайди. Фақат пойтахтда яшовчи ўша хонандалар ўзларининг камбағал репертуарини бойитадилар, холос.

Малик БОЙМАТОВ,
"Ҳамроҳ" газетаси масъул муҳаррири.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

ИККИ РАҲБАР ҚИСМАТИ

(Қорақалпоғистонлик Б. Самекеев ва фарғоналик В. Иргашевнинг аччиқ-чучук тақдирларига шингил муносабат)

САНАЛАРДА АДАШМАЙЛИК

(«Эски ўзбек ёзуви» дарслигининг жиддий тахрирга муҳтожлиги хусусида қуйинчак мураббий мулоҳазалари)

УШБУ СОНДА:

Нишонга тегмаган ўқлар 2

Фуқаролик жамияти ва ўзбек менталитети 3

БАХТ КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ! ИЗЗАТНИНГ СИНОАТИ 4

Обуна — 2003

ОРТИҚ СУЛТОНОВ: «ҲУРРИЯТ» МУХЛИСИМАН!

Газеталар орасида мустақил, адолатсизликка чидолмайдиган, инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун жонкуяр, турли мавзуларни қўрқмай кўтариб чиқа оладиган, энг асосийларидан, кулгуни ҳам унутмайдиган нашр сифатида мен "Ҳуррият"ни яхши кўраман!

Обуна мавсуми кетаётганда бир "сир"ни айтиб қўяй: Бундан буён яратган ҳангомаларимни газетада ўқишни хоҳлайдиганлар "Ҳуррият"га обуна бўлаверишсин. Таҳририят билан шу ҳақда келишиб қўйдик.

Бу эса "хамир учидан патир":

ЧИСЛОНИ КЎРИБ ҚЎЯЙЛИК

— Бугунги газеталардан борми?

— Ҳа, бор ука. Қайси биридан берай?

— Фарқи йўқ, ака, числони кўрмоқчиман!

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР! "ҲУРРИЯТ"ГА 2003 ЙИЛ УЧУН ОБУНА МАВСУМИ БОШЛАНДИ! СЕВИМЛИ НАШРИНГИЗГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАНГ!

ТАФАККУРНИНГ ҚАНОТИ

Газета ва журналларнинг ижтимоий мавқеи Миллат тафаккурининг аҳволини, даражасини, белгилаши мумкин бўлган барометрдир.

Агар шундай ва бундан бошқа кўпдан-кўп тафсилотлар ҳисобга олинадиган бўлса газета ва журналларнинг ҳар бир хонадонга кириб борищи нечоғлик катта аҳамиятга эга эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади.

Тўғри, қоғознинг хориждан, бунинг устига қиммат нархларга олиб келиниши газета ва журналларнинг таннархини қимматлаштириб юбораётганлигини ҳам биламиз — охир-оқибат харажатларнинг ҳаммаси йиғилиб муштарийларнинг зиммасига тушмоқда.

Аммо, газета ва журналлар инсон тафаккурига қанот берадиган бир восита экан, нашрларнинг нархидан нолималик керак, шекилли. Чунки, маърифат, маънавият шу пайтгача ҳам пул билан ўлчанмаган ва бундан кейин ҳам шундай бўлади. Шунинг учун ҳар доимгидай бу йил ҳам газета ва журналларга обуна бўлиш ўта муҳим ижтимоий қимматга эга бўлган тадбир сифатида амалга оширилмоқда. Обуна бўлиш тадбирларининг аҳволини таҳлил қиладиган штабнинг бевосита вилоят ҳокимлигида фаолият кўрсатиб турганлиги ҳам юқорида таъкидланган фикрларнинг далилидир. 2002 йил учун деновликлар қарийб 80 миллион сўмлик газета ва журналларга обуна бўлган эдилар. Нашрларнинг хонадонларга ўз вақтида етиб бориши учун юздан зиёд хизматчилар сафарбар этилган. Кейинги йилларда тизимнинг бир қадар такомиллашгани учун деновликлар ҳам кундалик газеталарни ўша куниёқ ўқишга муваффақ бўлмоқдалар.

Денов шаҳри ва унинг теварак-атрофида ўндан ортиқ газета дўконлари ишлаб турибди — обуна бўлишга улгурмаган газетхонларимиз ўзларига маъқул газеталарни, ҳатто, буюртма билан ҳам бемалол харид қилишлари мумкин.

Ҳозир туман ҳокимлигининг барча масъул ходимлари муайян тармоқлар бўйича обуна бўлиш тадбирларини уюштиришга сафарбар этилган.

Туманимиз ҳокими Абдулҳаким Эшмуродов бу тадбирнинг ижросини шахсан ўз назоратига олган. Келгуси йил учун 100, миллион сўмликдан зиёд газета журналларга обуна бўлишни туманимиз бўйича мўлжаллаб турибмиз.

Ва, табиийки, ҳамишагидек 2003 йилда ҳам "Ҳуррият" газетаси деновликлар учун севимли, қизиқарли газета бўлиб қолади! Дастлабки мулоҳазаларга қараганда Денов туманида бу газетанинг обунаси 500 нусхадан ошади, ҳатто бундан ҳам кўпайиб кетиши мумкин. Чунки, "Ҳуррият"нинг самимийлиги, ростгўйлиги барибир одамни ўзига тортаверади.

Тоштемир ТУРДИЕВ,
Денов туман ҳокими ўринбосари.
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Журналист суриштируви

НИШОНГА ТЕГМАГАН ЎҚЛАР

(Иккинчи мақола)

Қўқонча «тез айтиш»: қози қарорни қойиллатди!

Саҳифаловчимиз Жамшидни сўкдим: кўзинг қаёқда эди, жигарим эзилиб ёзган мақоламга ўзимни эмас, "А.Тилланоров" имзосини қўйибсан?! "Техник хато"ингни ўқувчилар қаёқдан билсин, хумпар?!

"Биринчи мақола"ни ўқиган айримлар эса мени сўкди: намунча эзма бўлмасанг, нари борса тўрт қоғозга жо бўлгувчи мақоланг ҳаддан зиёд семириб кетибди...

Бирдан Хуршид Дўстмуҳаммаднинг танбеҳи ёдга тушди, денг: ёзган нарсангга "мен"ни қўшмасанг-чи?! Ўзингдан қаҳрамон ясамай гапнинг индаллосини айтиб, қойиллатмайсанми?

Устознинг охирги сўзи ушбу ёзуқларга сарлавҳа топилишига туртки бўлди: қози қарорни қойиллатди!

Тўғрисиям шу-да: суд қарори чунонам қойиллатилганки, нарёғи йўқ. Унга муносабат билдириш мана, чекимизда. Эшитинг:

Шавкат Усмонов — эллик бирни урганда кўчада қолишини туш кўрибди дейсизми? Унинг бу аҳволга тушишига сабабчи ўзининг фамилядоши — судья М.Усмонова. "Судьялар қонунга мувофиқ иш кўради, Шавкат акангизнинг кўчада қолишига қози эмас, қонун сабабчи", демай бердисини эшитинг.

Шавкат Усмонов ғирт бекорчи чоғи, қўлида ҳунари бор бўлганида эди, кўчада қолгулик аҳволга тушмасди, деганлар ҳам адашади. Қаҳрамонимиз — ўттиз йиллик тажрибага эга шифокор. Шифокор бўлиб ҳам нақ олий тоифали. Шу баробарида қип-қизил "патриот"нинг ўзгинаси. Ана, баъзи ҳамкасбларидан "ўрнак" олиб, "соққасини чўз, кейин операция қиламан", дея кўзини лўқ қилиб турволса, ким "ғиринг" дейди ҳозирги пайтда. Агар айрим сурбет шифокорларга "ғиринг" дейдиганлар кўпроқ бўлганида эди, жони оғриб касалхонага тушган инсонлар бемор мақомидан маҳрум бўлиб, кимлар учундир "клиент"га айланиб қолмасди...

Шавкат акамиз касалнинг қўлига қараб ишлаганида эди, аллақачон қўша-қўша ҳовлилик бўлармиди, эҳтимол...

Ш.Усмонов 1996 йилгача Қўқон шаҳар А.Т.Ҳўқандий кўча 84-уй, 34-хонадон бўлган бир хонали уйда оиласи билан амалтақал кун ўтказган. Уй-жойга муҳтожлиги боис берган аризасининг, ниҳоят навбатчи етиб, соғлиқни сақлаш бўлими саъй-ҳаракати билан Қўқон шаҳар ҳокими қарорига (10.07.1996 й.) кўра Имом Бухорий кўчаси 11-уй, 2-хонадон дастлаб хизмат юзасидан берилади. Қувончдан икки қоп семирган қаҳрамонимиз янги хонадонга келиб қарасаки, яшаш учун шароит йўқ: электр тармоғи, сув ва канализациялар ишдан чиққан, эшик ромлари, девор, шифтлар абгор аҳволда... Шуғинага ҳам шукур қилган Шавкат Усмонов бир хонали уйини нари-бери сотиб, таъмирга енг шимариб киришади ва кўп ўтмай оиласи билан кўчиб келиб, тинчгина умргузаронликни бошлайди. Бу орада ҳокимият уй-жойни Ш. Усмоновга хусусий мулк қилиб берадики, бу ҳол эндигина муқим бошпанали бўлган оила қувончига қувонч қўшади. Бироқ бу кўпга чўзилмади.

1999 йилнинг охирларига келиб, бирдан Ш.Усмонов судга чақирилади. Эмишки, яшаб турган хонадон В.Агановга тегишли экани, у 1995 йилда қилган жиноят учун ўн йилга қамалиши натижасида уй-жой мусодара қилинган, бироқ темир панжара ортига тушишидан аввал Нисимов Юрий деган шахсга оғзаки келишувга кўра сотгани, қўлга тушиб, қамоққа олиниши оқибатида тегишли ҳужжатлар расмийлаштираолмаганини билдириб, зудликда Шавкатбойни ашғол-дашғоли билан уйдан кўчириб, Юрийбойни эгалик ҳуқуқини тиклаган ҳолда уйга киритиб қўйиш лозим...

Ҳайратдан анграйиб қолган қаҳрамонимизга даъвогар Юрий Нисимов бир қанча қоғоз кўрсатади: вот, основания!

Даъвогарнинг виқор билан кўрсатган қоғози — оддий ишончнома бўлиб, у В.Агаванов жазони ўтаётган муассаса бошлиғи томонидан тасдиқланган экан. Бундан қаҳрамонимизнинг баттар ҳайрати ошади: и-е, даъвогаржон, сен даъво қилаётган уй суд ҳукмига кўра давлат фойдасига мусодара қилинганига тўрт йилдан ошди. Шу-унча пайт қаёқда лайлак ҳайдаб юргансан? Бу — бир. Иккинчидан, мен бу уйни муттаҳамлик йўли билан эгаллаб олганим йўқ, ҳокимият томонидан қонуний берилган, мана, ҳужжатлар, сохта ёки ғайриқонуний расмийлаштирилган бўлса — бошқа гап. Мени ҳам, судни ҳам бошини қотирмай тушингни сувга айт.

Даъвогар Ю.Нисимов тушини сувга эмас судга айтди. Қўқон шаҳар суди судьяси Олимжон Алижонов эса дўхтир тақдим этган ҳужжатларга эмас, даъвогарнинг сувга айтмаган тушига ишонди, кўзини чирт юмиб, даъвони қаноатлантирди: жаноб Усмонов, уйни бўшатинг...

Бироқ судьяни сехрлаган сувга айтилмаган туш суд қарорига таъсир ўтказган чоғи асоси "сер-сувгина" бўлган Алижоновнинг "ҳал қилув қарори" дастлаб Фарғона вилоят судининг судлов ҳайъатида қисман, шу суд раёсатида эса бутунлай бекор қилиниб, бошқа суд таркибида қайта кўриш учун яна Қўқонга юборилди...

Ишни қайта кўришга шайланган бошқа судьялар эса даъвогар Ю.Нисимовни узоқ кутишига тўғри келди: чақирув қоғози юборилди — келмади, одам жўнатишди — натижасиз, ҳатто мазкур маш-машалар сабаб ҳаловати бузилган дўхтир, яъни жавобгар Ш.Усмоновнинг "юр, судга, масалани узил-кесил ҳал қилиб қўяйлик", дея қилган ҳаракатлари ҳам натижа бермади... Ниҳоят, Юрий Нисимов даъвони кўзғашга кўзғаб, кейин судга келишдан бош тортиб юргани учун судья ишни кўрмай қолдириш ҳақида ажрим чиқаришдан ўзга қонуний чора топмади.

Орадан икки йилга яқин вақт ўтди.

Дўхтир Шавкат Усмонов ҳам ҳаловат топгандай эди...

Бироқ салкам икки йиллик жимжитлик бамисоли вулқон отилиши арафасидаги осойишталик экан.

Шу йилнинг баҳор ойи охирларида Шавкат Усмонов яна судга чақирилди. Энди вазият бутунлай ўзгача эди: В.Аганов — қамоқдан чиққан, даъвогарлик "эстафетаси"ни қўлга олгани боис Ю.Нисимов саҳна орқасига ўтган; буёқда суд тизимида ҳам тузуккина ўзгаришлар бўлиб, иш бошида Қўқон шаҳар туманлараро фуқаролик судининг раиси Мунаввар Усмоновнинг шахсан ўзлари турарди!

Судда даъвогарнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун адвокат И.Исақов белини қамишдан боғлаганини кўриб, жавобгар Ш.Усмонов баттар танг қотди. Боисики, қаҳрамонимиз юқоридаги машмашалар жараёнида муҳтарам ҳимоячимиздан тез-тез маслаҳатлар олиб турган, демакки, даъвогарларга ҳали адвокат сифатида ёлланишидан аввал ҳам фуқаролик ишидан дурустгина бохабар эди! Бу ҳол шунчаки тасодифми ёки атайинликнинг ўзгинасими — бу ҳақда фол очмаймиз. Бироқ суд бошланишидан анча аввал муҳтарам адвокатнинг жуфти ҳалоли оғир аҳволда шифохонага ётқизилганда таъмасиз ва таъмасиз даволаб, ўзининг касбий бурчини ҳалол бажарган ҳамда айни шу жараёндаги танишув сабаб дўхтир Шавкат Усмонов ўзи дуч келган муаммо юзасидан ҳасратларини ғўё жон қулоғи билан тинглаб, маслаҳатларини дариғ тутмаган ҳимоячи кўп ўтмай иккинчи томон манфаатлари йўлида хизмат қилиши... наинки, инсонийлик тамойилига, балки адвокатлик одобига тўғри келармикан? Бу — ҳимоячининг виждонига ҳавола...

Судьянинг хатти-ҳаракатлари олдида эса адвокатнинг қилиғи ҳолва бўлиб чиқди.

Юқорида дастлабки судларда В.Агановнинг қамоқ жойларидан берган ишончномага кўра Юрий Нисимов судларда даъвогар сифатида қатнашгани, сирасини айтганда даъво мазмуни ҳам Нисимовнинг манфаатларини ифода этишини қисман баён қилгандик. Ушбу ҳолат қайта такрорланишининг боиси шуки, 1995 йилнинг 9 август куни Қўқон шаҳар судида айни шу судья М.Усмонова раислигида бир жиноят иши кўриладики, унда Юрий Нисимовнинг акаси — Роман Нисимов судланувчи сифатида жалб этилиб, дастлабки тергов органи томонидан Жиноят Кодексининг нақ тўртта моддаси билан айблашига қарамай судья унга енгил жазо тайинлаб, суд залидан очиққа чиқарворади. Қўқон шаҳар прокурори протестига кўра судьянинг ҳотамтойларча чиқарган ҳукми вилоят судида бекор қилиниб, иш бошқа таркибда кўрилиши натижасида Роман Нисимовга узоқ йиллик озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланган. Бу ҳол ўз вақтида яхшигина шов-шувга сабаб бўлиши оқибатида меҳрибон судья Усмонова тегишли жазо олган экан.

Эндиликда вазият тақозосига кўра судья Усмонова — фуқаролик ишлари бўйича Қўқон шаҳар туманлараро суди раиси. Фалакнинг гардиши билан яқин ўтмишда Роман Нисимовга меҳрибонлик қилган судья опойимиз чекига унинг укаси — Юрий Нисимов бевосита манфаатдор бўлган фуқаролик ишини ҳал этиш тушиб турибди... Гарчи даъвогар номи ҳам, даъво мазмуни ҳам а-андек ўзгарган бўлса-да, мантиқ кишини не хаёлга бошламайди, дейсиз. Жавобгарнинг судьяга ишончсизлик билдириб ("отвод") ёзган аризалари бир зарб билан рад этилиши-ку, на ёзиб, на айтиб бўлмайдиган, бироқ мантиқ тарозисида яхшигина тош босувчи хаёлларга тутқич бермайдигандек...

Бу ҳолни воқеалар ривожи ҳам мантиқан тасдиқлайди.

Биринчидан, судья Усмонова даъвогарнинг даъвосини кутилганидан зиёда қилиб қаноатлантириши натижасида дўхтир Усмонов мажбурий тартибда кўчириладиган бўлди.

Иккинчидан, низоли уй суд ҳукмига кўра давлат фойдасига мусодара қилинганидан сўнг уй-жойга муҳтож Шавкат Усмоновга берилгани маълум. Айни шу жараёнда, яъни на мусодара, на тегишли ҳужжатлар расмилаштирилишида ва на ҳокимият, солиқ ҳамда нотариал идоралар томонидан бирор бир қонун бузилганми-йўқми, агар бўлса қайси қонуннинг қандай моддаси бузилган ва бунда кимнинг манфаатларига путур етгани ҳақида ҳал қилув қарорининг бирор жойида судьямиз лом-мим демайди! Ҳолбуки, суд қарорининг энг бирламчи талаби қонун бузилган ҳолатни кўрсатиш эмасми?

Учинчидан, бирёқламалик шу даражадаки, абгор аҳволда уйни қабул қилиб олган Ш.Усмоновнинг қилган харажатлари масаласи суднинг умуман хаёлига келмаган гўё... Тўғри, қаҳрамонимиз айни шу масалада фуқаролик тартибида судга мурожаат этиши мумкин. Бироқ бир марта суддан оғзи куйган шахснинг қонун пешволарига нисбатан бўлган ишончи чилчил синмаслигига кафолат борми? Ўзини ҳонавайрон қилаёзган шахс раҳбар бўлган идорадан адолат топишига дўхтир ишонармикан?

Тўртинчидан, В.Агановнинг ўта оғир жиноят содир этгани учун, яъни гиёҳванд моддалар сақлагани ва сотгани оқибатида ўн йилга озодликдан маҳрум этилиб, уй-жойи мусодара қилинган. Бунда дўхтирнинг айби нима? Нега унинг касри Ш.Усмоновга уриши керак?

Бешинчидан, суд ўз қарорида Ш.Усмоновни оила-аъзолари билан Қўқон шаҳар Ватан кўчаси 38-ҳовли жойга мажбурий кўчириш лозимлигини таъкидлаб, мазкур ҳовли жой дўхтирнинг хотини Матлуба АКБАРОВАга тегишли эканини таъкидлайди. Агар холислик, адолатлилик бош мезон бўлганда эди, оддий ҳолат — юқоридаги ҳовли-жой Ш.Усмоновнинг рафиқаси эмас, қайнонаси Маҳбуба Акбаровага тегишли экани, боз устига бу жой қаҳрамонимизнинг қайноғалари томонидан мерос масаласи бўйича низоли эканини аниқлаган бўлардик. Инсонлар низоли масалани қонуний ҳал этиш учун бош уриб борадиган суднинг ўзи талашилаётган бир жойдан бошқа низоли жойга Ш.Усмоновни оила аъзолари билан мажбуран кўчириши қайси қонун, қандай мантиқ, қандай ахлоқ меъёрларига тўғри келади?! Ахир ҳал қилув қарорини чиқариш — мендан кетгунча — эгасига етгунча қабилида буюм тайёрловчи нўноқ ҳунарманднинг маҳсулот чиқариши эмас-ку?!

Олтинчидан, қонунларимизда инсонийлик тамойиллари бирламчи аҳамият касб этади. Шу боис кўп ва хўп қонунларимиз, жумладан Жиноят Кодексига ҳам яхшигина ўзгартиришлар киритилиб, жазолар дурустгина енгиллаштирилиши натижасида мол-мулкни мусодара қилиш каби қўшимча жазолар аксарият моддалардан чиқариб ташланди. Бироқ В.Аганов айбдор деб топилган ЖКнинг 273-моддаси санкциясида бу ҳол назарда тутилмагани, демакки,гиёҳвандлик, наркотик моддалар савдоси ҳар қандай жамият учун хавфли экани, бундай жиноятга қўл урган шахсга нисбатан шафқат масаласи ҳам жазо тайинлашда бирламчи аҳамият касб этмаслигини кўрсатмайдими? Боринг, ана, В.Аганов қилмишига яраша жазосини ўтаб, тегишли хулоса чиқариб, судья кучаниб таъкидлаганидек, "унинг ҳам ҳар бир фуқаро каби нормал турмуш кечириши учун зарур уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқига эга" эканига қўшилайлик, бироқ "ўтириб" чиққан инсоннинг бундай ҳуқуқини бошқаларнинг бурнини қонатиш эвазига, жамият учун бағоят керакли бўлган олий тоифали шифокорнинг ҳуқуқларини поймол қилиш эвазига тиклаш адолатнинг қайси тамойилига тўғри келади?!

Еттинчидан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 53-модда 3 ва 4 қисмларига мувофиқ "Маҳкумнинг оиласи нормал турмуш кечириш учун уй-жой, "квартира, уй анжомлари ҳамда жиҳозлари мусодара қилинмайди" Муҳтарама судья опамиз Қонуннинг мазкур моддаси билан ўз қарорини асослар экан, холислик посангисини тўғри ушлаганида даъвогар аввал уйланмагани, бошқа оила-аъзолари йўқлигига ишонган бўларди. Тўғри, жазони ўтаб чиққан шахсга — "учинчи кўз" билан қараб, жамият учун керексиз одамга чиқариб қўйиш ярамайди. Бироқ айни ҳолатда қонун талаби ўзгача эканини назардан қочирмаган ҳолда, "ўтириб" чиққан шахс учун алоҳида ижтимоий кўникма марказлари фаолият олиб бораётгани, айни шу даргоҳ мутасаддилари жазони ўтаб чиққанларнинг таъминоти, бандлиги ва ҳоказо масалаларда масъул эканини инобатга олиб, мавжуд низога ҳуқуқий баҳо бериш лозим эмасми?!

Саккизинчидан, В.Агановнинг жиноий ҳаракатларига нисбатан чиқарилган ҳукм, гарчи у жазони ўтаб чиққан бўлсада, юқори суд томонидан бекор қилинмаган. Унинг мол-мулкини мусодара этиш эса айни шу ҳукмда ўз аксини топган. Мантиқан қарайдиган бўлсак, **жиноят иши** бўйича чиқарилган **ҳукмдаги** у ёки — бу ҳолатни **фуқаролик** тартибидаги суд **карори** билан бекор қилишни қонун оқлайдими? Ахир Фуқаролик Кодексида ёзиб қўйибди: агар молмулк суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда сотилган бўлса, қайта талаб қилиб олишга йўл қўйилмайди. (219-модда).

Тўққизинчидан, судьяга қойил: қарорни шунақанги кифтини келтириб ёзадики, ундаги В.Аганов "низоли уй-жойдан бўлак яшаш уйи йўқлиги... болалик хотиралари шу уй билан чамбарчас боғлиқлиги, ҳозирда тўғри келган жойда дарбадарларча яшаб келаётганига" алоҳида урғу беради. Бўлса бордир. Собиқ маҳбус ҳам инсон, судья масалага а-андек сиёсий тус бериб таъкидлаганидек, "давлатимизнинг конституцияда белгилаб қўйилган тураржой даҳлсизлигига эгалик ҳуқуқи В.Агановга ҳам тегишли". Бироқ давлатимизнинг инсонпарварлик ғояларида суғорилган қонунлар, унда кафолатланган ҳуқуқлар бошқа инсон ҳақ-ҳуқуқларига даҳл қилмаслиги ҳам бор нарса-ку?! Биз ҳам масалага сиёсий баҳо берсак — олий тоифали шифокор ва собиқ маҳбусни тарозунинг икки палласига қўйсак қай бири тош босади? Давлатимиз сиёсатининг устивор йўналишларидан бири — соғлом авлод масаласидир. Айни шу масаланинг амалдаги ижроси масъулияти — Шавкат Усмонов сингари шифокорлар зиммасида эмасми? Кеча нафақат инсон ҳаёти, балки жамият учун ўта хавфли бўлган наркотик моддалар савдоси билан шуғулланиши натижасида жазога тортилган шахснинг ҳуқуқлари айнан инсон саломатлиги йўлида тер тўкаётган шифокорнинг кўчага қувиб солиш орқали тикланишини қайси мантиқ билан оқлаб бўлади?

Ўнинчидан, муҳтарама судья М.Усмонова...

Бас, етар. Шундоқ ҳам мақоламиз семириб кетди, таъкидлар ҳам меъёридан ортиб кетдики, ушбуни ўқиган газетхон "битта қарор орқасидан судьяни намунча жамоатчилик аро хижолат қилмасанг", дея иддао қилишмасин. Аслида-ку, муҳтарама судья опойни хижолат тортишига ишониш қийиндай: кўра-била туриб асоси а-анча бўш қарор чиқаришдан андиша қилмаган қози матбуотдаги танқиддан қизарармиди?! Ушбу фуқаролик ишини кўриш ҳуқуқи сўроқ остида бўлган судьянинг бундай "ҳал қилув қарори" фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят судида ўз кучида қолдирилиши эса қайси қозига қувват бўлмайди, дейсиз... Бундай қувват олдида қулоч-қулоч шикоятлар, минг бир мулоҳаза билан чоп этилган мақола чикора эмасми?

Қозиси — адолатдан чекинган, ҳимоячиси — оддий одоб меъёрларига терс қараган жойда яна қандай гап бўлиши мумкин?! Фақат битта: қози қарорни қойиллатди! Қани, қарсаклар бўлсин, пол тепишингиз ҳам мумкин, давомли қарсаклар остида ҳалолликни байроқ қилган дўхтирни кўчага қувлаймиз: жаноб Усмонов, байроқни бойроқларга беринг-да, ашқол-дашқолингизни кўтаринг — имилламанг, йўқса вилоят суди раиси З.Ҳомидов виқор билан таъкидлаганидек, азамат миршаблар ишга киришиб кетади...

Турсунали АКБАРОВ

Қадрият

УЧ ОЙ ХИСЛАТИ

Буларнинг олдини олмоқ мақсадида Аллоҳ таоло баъзи кунларни баъзи кунлардан, баъзи кечаларни баъзи кечалардан, баъзи вақтларни баъзи вақтлардан фазилатли ва файзли қилиб қўйган. Масалан, Жума шундай кун. Рағойиб, Меърож, Барот, Қадр, Мавлуд шундай кечалардан, Ражаб, Шаъбон ва Рамазон ана шундай ойлардандир. Булар азал-азалдан мустаҳкам илмий асосга эга бўлган маънавий-ахлоқий фазилатлар ҳисобланади. Инсон зоти борки, ўзининг ожиз, гуноҳкор бандалигини ичдан ҳис этиб яшайди. Аллоҳ таоло бандаларини мағфират қилмоқ учун юқорида зикр қилинган сабаблардан хабардор этган. Чунки бундай шарафли қадриятларни қўлга киритганлар ўзларида олам-олам маънолар, яхшиликларни туйганлар.

Муборак уч ойлар — Ражаб, Шаъбон, Рамазон хислати инсон ичидаги барча салбий муносабатларга чек қўяди.

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам бир ҳадиси шарифларида: "Ражаб Аллоҳнинг ойи, Шаъбон менинг ойим, Рамазон умматимнинг ойидир" деб, бу ойларнинг шарафли эканини таъкидлаганлар. (Бу ҳадиси шариф Табаронийнинг "Кабир" асарида ҳазрати Ҳасан (р.а.)дан нақл қилинган). Абдулқодир Гийлоний ҳазратларининг "Уч ойлар ва уларнинг фазилатлари" номли китобларида мазкур ойларнинг инсон ҳаёти учун нақадар қадрли эканлиги қуйидагича баён қилинади: "Баъзи зотлар: Ражаб жафони тарк қилиш учун, Шаъбон амал ва вафо учун, Рамазон сидқи сафо учундир. Ражаб тавба ва надомат ойидир. Шаъбон муҳаббат ойидир. Рамазон қурбат (илоҳий яқинлик) ойидир. Ражаб ҳурмат ойидир. Шаъбон хизмат ойидир. Рамазон неъмат ойидир. Ражаб ибодат ойидир. Шаъбон дунё сафосини тарк қилганлар ойи бўлса, Рамазон ибодатларнинг мукофотларини ортттирувчи ойдир. Ражабда қилинган савобларнинг мукофотини Аллоҳу таоло бир неча баробар қилади. Шаъбон ойида эса гуноҳлар авф қилинади. Рамазонда кароматлар — илоҳий икромлар умид қилинади.



Зуннуни Мисрий бундай дейди: "Ражаб офатни даф қилиш учун, Шаъбон тоат қилиш учун бўлса, Рамазон каромат (илоҳий икромлар) кутиш учундир. Бирор киши Ражабда ёмонликларини ташламаса, Шаъбонда ибодат қилмаса ва Рамазонда каромат(икромлар) кутмаса, у киши жазога мустаҳиқ бўлганлар сирасидан ҳисобланади. Яна у киши айтдиларки, Ражаб экиш, Шаъбон суғориш, Рамазон йиғим-терим ойидир. Ҳар ким нимани экса, шуни ўради, нима қилса, шунинг ҳосилини олади. Бирор киши экиш мавсумида фурсатни қўлдан бой берса, ҳосил пайтида бунинг учун пушаймон бўлганидек, Қиёмат кунида ҳам ёмон аҳволга тушиб қолади, дунёда ўйлаган нарсаларининг аксига дучор бўлади".

Баъзи соликлар ҳам: "Йил дарахтга ўхшайди. Ражаб ойи дарахтнинг япроқли кунларига, Шаъбон эса дарахтнинг мева туккан пайтларига, Рамазон эса ана шу меваларнинг йиғиб олинадиган пайтига ўхшайди", деганлар. Ражаб ойи кирганида Пайғамбаримизнинг махсус дуолари бор. Яъни "Аллоҳим! Ражаб ва Шаъбонни бизлар учун муборак қил ва бизларни Рамазонга етказ" (Бу ҳадиси шариф Байҳакийнинг "Шуоб ул-иймон" китобида ҳазрати Анас (р.а.)дан нақл қилинган). Бу дуони шу ойда такрор-такрор ўқиганлар ушбу ойларнинг файзидан, баракотидан, фазилатларидан ва камолотидан баҳраманд бўлади.

Абдулқодир Гийлоний ўз китобларида бу ойларнинг ҳарфий маъноларига ҳам эътиборни қаратганлар: "Ражаб сўзи уч ҳарфдан, яъни Р—Ж—Бдан иборат бўлиб, булардан: Ре — Аллоҳ таолонинг раҳматига; Жим — Аллоҳ таолонинг жўмардлиги ва ёрдамига; Бе эса Аллоҳ таолонинг бирру эҳсонига (яхшилик ва иноъомларига) далолат қилади. Шаъбон бешта ҳарфдан иборат. Булар: Шин, Айн, Бе, Алиф ва Нундир. Шин — шарафдан; Айн — ъулувият — юксакликдан; Бе — бирр — хайр-яхшиликдан, Алиф — улфатдан; Нун — нурдан далолат беради. Бу лутфу икромлар Шаъбонга ҳурмат кўрсатганларга бир бахшидадир.

Шаъбон шундай ойки, Ҳақ таоло ҳазратлари хайр йўлларини очади, мўмин-мусулмонлар устидан файз ва баракот ёғдиради. Хатолар ва қабоҳатлар содир қилинмайди. Ўтган гуноҳлар ҳам авф қилинади.

Шаъбонда кўп саловот айтилиши лозимлиги ўқтирилган. Бу ойда яхшиларнинг энг хайрлиси ҳазрати Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламга кўп саловот айтилади. Чунки бу ой танланган Набийга саловот келтириш ойидир.

Рамазон беш ҳарфдир. Булардан Ре — Ризвони Аллоҳ — Аллоҳнинг ризолиги, Мим — маҳобати Аллоҳ, Зод — Аллоҳнинг кафолати, Алиф — улфати Аллоҳ, ва ниҳоят, Нун — нури Аллоҳга ишорадир. Шу тарзда шаҳру Рамазон ризвон, маҳобат, кафил бўлиш, улфат бўлиш ва нурланмоқ ойидир. Рамазон валийлар ва яхшилар учун каромат (илоҳий икромлар) ойи бўлиб, уларнинг икром ва иззатда бўлишига василадир.

Баъзи зотлар айтганларки, ойлар ичида Рамазон кўракдаги юрак, халқ ичидаги пайғамбарлар шаҳарлар орасидаги Каъба кабидир. Дажжоли лаин Ҳарами шарифга киришдан манъ этилганидек, шаҳру Рамазонда фитналар манбаи шайтонлар занжирбанд этилади. Анбиё — пайғамбарлар гуноҳкорларнинг шафоатчисидир. Шаҳру Рамазон эса рўзадорларни қўллагувчи ва ёрдамчидир. Қалб иймон ва маърифат нури билан, шаҳру Рамазон эса тиловати Қуръон билан зийнатлидир. Киши шаҳру Рамазонда авф ва мағфиратга мазҳар бўлмаса, қайси ойда мағфиратга эришади?

Муаллиф инсонларга бундай хитоб қиладилар: Эй Одам фарзанди! Тавба қил, азиз ва жалил бўлган Аллоҳ таоло тавба эшикларини ёпмасидан аввал тавба қил, Аллоҳдан мағфират тила! Ўлмасингдан аввал, пушаймонлик вақти келмасидан аввал тавба қил, раҳмат вақти ўтиб кетмасидан аввал тавба қил. Аллоҳ кўрқуви билан йиғлаш керак. Чунки Расулуллоҳ (с.а.в.): "Умматим Рамазон ойи рўзасини тутиб, намозларини ўқиган муддатгача балога учрамас, ҳеч кимса ёнида расво бўлмас", деганларида бир зот: "Ё Набийуллоҳ, уларни нима расво қилади?" деб сўради. Расули Акрам: "Бирор киши Рамазонда ҳаром бўлган нарсаларни еса, ёки ичкилик ичса, зино қилса, унинг Рамазон рўзаси қабул қилинмайди. Бундан ташқари, Аллоҳ таоло,фаришталар ва самодагилар бундай кишиларга келгуси Рамазон ойигача лаънат айтади. Агар у бу Рамазон билан келгуси Рамазон ичида ўлса, унга Аллоҳ ҳузурида ҳеч қандай яхшилик, савоб йўқдир", деб жавоб бердилар".

Булардан ташқари мубарак кечалар ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Мазкур ойларда 4та мубарак кеча бор. Ражабнинг илк жума оқшоми Рағойиб кечаси; 27-оқшомида Меърож кечаси; Шаъбон ойининг 15-туни Барот кечаси (Барот кечасини мубарак кеча деганлар. Чунки бу кечада ер юзига ва мусулмонлар устига раҳмат, баракот, ҳайр, авфу мағфират ёғилади. Али ибн Абу Толиб (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Расулуллоҳ (с.а.в.): "Аллоҳу таоло Шаъбоннинг ўн бешинчи кечаси дунё самосига нузул қилади, баъзи бирларидан ташқари, бутун мусулмонларни авф этади. Авфдан маҳрум қолган кимсалар эса мушрик, мунофиқлар, қариндошлари билан алоқасини узганлар ва зинокор аёлдир", дея огоҳлантирганлар. Бу ҳадис изоҳида бундай дейилади: "Аллоҳ таолонинг "дунё самосига нузул қилишдан" мурод: Унинг раҳмат ва баракотининг, ҳайр ва неъматининг нузулидир; само эшикларининг очилиши, дуоларнинг тезда қабул бўлиши, Яратганнинг қулларига раҳмат ва марҳамат билан боқишидир. Зеро, жаноби Ҳаққа макон таъсис этиш дуруст эмас). Рамазон ойининг 27-кечасида мубарак Қадр кечаси (Кечага бундай ном берилиши шонининг улуғ ва қадрининг буюклигидандир. Чунки бу кечада Аллоҳу таоло келгуси йилнинг бу кечасига қадар махлуқотида содир бўладиган ҳодисларни тақдир ва тайин қилади. Сўнгра Аллоҳ таоло: "Эй Муҳаммад! Қадр кечасининг камол ва фазилатини сенга нима билдиради?" Ёхуд "Ё Муҳаммад! Агар Аллоҳу таоло сенга Қадр кечасининг азаматини ва Қуръонда бўлган ҳар бир нарсани билдирмаса эди, сен уни идрок қилолмас ва унга эриша олмас эдинг". Зеро, Аҳзоб сураси 63-оятининг бир қисмида: "Қиёматнинг қачон бўлишини билолмассан", деб хабар бериши билан биргаликда Аллоҳ таоло Қадр кечасининг буюк, азаматли ва ҳикматли бир кечалигини билдирган. Баъзилар айтганларки, Аллоҳу таоло Қадр кечасининг мубораклиги ҳақида Духон сурасининг 3—4 оятида ҳам келтирган: "Очиқ-равшан Китобга — Қуръонга қасамки, албатта биз уни бир муборак баракотли кечада нозил қилдик. Дарҳақиқат Биз (инсонларни ушбу Қуръон билан охират азобидан) огоҳлантирувчи бўлдик. У (кеча)да барча пухта-аниқ иш(лар) айрилур (белгиланур)", деб марҳамат қилинган).

Ҳар бир иймонли инсон бу муборак кечаларни қадрламоғи ўзининг фойдасигадир. Ўз фойда ва зарарини ўйлайдиган киши бу кечаларда бекор ва масъулиятсиз тура олмайди. Шунинг учун бу кечаларда инсоннинг ичида — виждонида бир уйғониш, бир интилиш бўй кўрсатади. Бундай инсонлар бу кечаларда қандай хайрли амал қилсам экан? — деб ўз-ўзидан сўрайди. "Уч ойлар фазилати" китобида булар ҳақида ҳам чиройли маълумотлар берилган.

Уч ойларнинг бир ойи ўтди. Қолган икки ойи барчамиз учун хайрли ва баракотли бўлсин. Бу ойларда эзгу амаллар, савоб ишлар, ғўзал ибодатлар билан умримизни зийнатлаш бахтини яратган Парвардигоримиз ҳаммамизга насиб айласин!

Иноят УБАЙДУЛЛАЕВА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Саховат

2500 ЎРИНЛИК СТАДИОН

Самарқанд вилоятидаги "Бунёдкор" қурилиш-ишлаб чиқариш компанияси ўтган бир ярим йилдан ортиқроқ вақт ичида чинакам бунёдкорлик ишларини амалга оширди. Таъриф-тавсифга берилмай: мазкур ташкилот томонидан қурилган иншоотларни бирма-бир санаб ўтсак: Иштихон туманидаги қурилиш коллежи, Тойлоқ туманидаги қишлоқ хўжалик коллежи, Жомбой туманининг А.Қурбонов жамоа хўжалигидаги касб-ҳунар коллежи, Самарқанд чет тиллар институти қошидаги Академик лицей қурилиши. Булар қаторига шаҳардаги гидромелиорация техникуми биносининг қайта таъмирланганги, "Асака банк"нинг вилоятдаги маъмурий биносини ҳам киритиш мумкин.

Вилоят ҳудудида компаниянинг 9та механизациялашган кўчма гуруҳи ва 18 та автокорхонаси бор. Бажарилган ишларни ҳисоб чўтига урганда салкам 7 миллиард сўмга яқинлашади.

Ҳозирги кунда компания икки муҳим иншоотни бунёд этмоқда. Бири Самарқандда 2500 ўринга мўлжалланган стадион. Бу ерда 2004 йилги Универсиада ўтказилади. Иккинчиси Фарғонада Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки вилоят бўлимининг маъмурий биноси. Буларнинг ҳаммаси бағрига 702 ишчини жойлаган "Бунёдкор" компаниясининг қисқа вақтда бажараётган ишлари. Ташкилотнинг мурувватти ҳақида гапирмадик. Чунки бу инсоний бурч, ўнг қўлнинг чап қўлга билдирмай қиладиган амали. Бунёдкорнинг бунёдкорлигини кўрдик. Унинг юртимиз кўркига кўрк қўшаётганидан қувондик.

Убайдулло ХЎЖАНИЁЗОВ,
"Ҳуррият" мухбири

Мулоҳаза

Дунё ўзгаришлари мазмуни умумий ёндошувларга, муроса ва ҳамжиҳатликка эришишга даъват этувчилар билан хусусий ҳақиқат тарафдорлари яъни фақат ўз манфаатлари йўлида курашувчилар ўртасидаги баҳс-мунозара кескинлигининг тобора ортиб бориши билан изоҳланмоқда. Инсоният якдил фикр қилиш, умумий саъй-ҳаракатларга эришиш, сиёсий, ижтимоий ҳамда иқтисодий зиддиятларни фақат ялпи бартараф этиш учун курашиш зарурлигининг замон тақозоси эканини тобора равшанроқ англамоқда.

Фуқаролик жамияти ва ўзбек менталитети

Мансур БЕКМУРОДОВ
социология фанлари доктори, профессор

Умумийлашув жараёнларининг кенгайиши инсоннинг ҳаёт ва жамиятдаги ўрни ва роли масаласига ўзгача ёндошув заруратини ҳам кун тартибига чиқармоқда. Шахснинг жамиятдаги ўрни тобора қатъийлашиб, унинг бевосита ўз имкониятлари орқали ёки муайян жамоа, гуруҳ воситасида ижтимоий ҳаётга кўрсатувчи таъсири ортиб бормоқда.

Маълумки айни даврдаги демократия тартиботлари Ғарб дунёсида туғилган ҳодисадир. Ҳозирги пайтда дунё халқлари ҳаётига сингдирилаётган демократия тамойиллари Ғарбий Европа халқларига мос бўлган турмуш тарзининг адолат тамойиллари билан йўғрилган намунасидир.

Бутун дунёда юз бераётган глобаллашув, яъни, умумийлашув жараёнларининг муштарак қисми сифатида намоён бўлаётган ғарбона демократлашув Шарқ халқлари ҳаётига муайян қийинчиликлар орқали томир отмоқда. Бу йўлда ҳар бир давлат ўзига хос мураккабликлар даврини ўташига, баъзан эса кутилган натижаларнинг мутлақо тескари ҳолатларига рўпара бўлиб қолишига ҳам тўғри келмоқда.

Агар демократиянинг асосий талабларидан бўлган инсон ҳақ-ҳуқуқларини тенг таъминлаш ва уни адолатли ҳимоялаш зарурати анъанавий буддавийлик динига сиғинувчи мамлакатларда, хусусан, Япония, Корея, Малайзия, Тайланд сингари давлатларда бир қадар силлиқ кечаётган бўлса, ислом қонунлари барқарор бўлган Шарқ мамлакатларида бу жараён жиддий катаклизмлар, сиёсий бўҳронлар, оғир йўқотишлар ҳисобига амалга оширилмоқда. Ҳатто, ғарбона демократия тартиботларини сингдиришга бўлган айрим уринишлар тамоман тескари оқибатларни туғдириб қўйгани ҳам яқин тарихимиздан маълумдир. Масалан, 70-йилларда ғарбона демократия, цивилизациялашган турмуш тарзини Эрон давлати турмуш тарзига сингдиришга бўлган подшоҳ Муҳаммад Ризо Паҳлавийнинг саъй-ҳаракатлари нечоғли чиппакка чиққани, анъанавий диний ёндошув тарафдорларининг ялпи бош кўтаргани, оқибатда эса унинг ўзи мамлакатдан жон сақлаб қочгани ва бугунги кунда эса Эрон давлати исломий анъаналар муҳитида яшашга ўтгани, Ғарб демократияси ва турмуш тарзининг бу мамлакатда рад этилгани барчага аёндир. Худди шундай ҳолат ёки ўхшаш манзаралар Афғонистон, Эфиопия, Сомали сингари давлатларда ҳам рўй бергани бежиз эмас. Ҳаёт маромини мавжуд анъаналар, урф-одатлар, миллий турмуш ўзига хосликларини беписанд инкор этиш асосида ўзгартириш нақадар фожеали оқибатларга олиб келганини Тожикистон, Чечанистон, Югославия халқлари бошига тушган кулфатлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Айни чоғда таъкидлаш зарурки, ҳаёт ривожи қонуниятларининг бетўхтов амал қилиши ҳамма ерда ҳам ўзгаришлар муқаррарлигини қайта-қайта тасдиқламоқда. Энг муҳими мазкур ўзгаришларни умумжаҳон глобаллашув жараёнларининг узвий жиҳати сифатида англаш даражаларининг турли хилда эканлиги муаммонинг самарали ечилишига асосий тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Демократияни қандай сингдириш мумкин?

Ғарб халқлари учун ҳар қандай муаммонинг ечимини манфаатлар ҳал этиши умумий қонуният ҳисобланади. Манфаатлар силсиласида иқтисодий манфаат айниқса устивор аҳамиятга эга. Инглиз менталитетини яхши билган машҳур давлат арбоби У. Черчилль "Англия тақдирини унинг доимий дўстлари эмас, балки доимо ўзгариб турувчи манфаатлари белгилаб келган", деган эди.

Ғарбдаги моддий, реал манфаатлар устуворлиги қадриятидан фарқ қилиб, Шарқ халқлари учун бош қадрият маънавий омиллар, айниқса инсон шаъни обрў-эътибори, нафсонияти, орияти, виждони ҳисобланиб келган. Маънавий талаблар эса ўз-ўзидан қадриятлар қаторини мутаносиблаштиришни, биринг кетидан мантиқий равишда иккинчисини қўйишни тақозо этган. Хусусан отага эҳтиром, она эъзози, ака ва ука ҳурмати, қавму-қариндошлар тотувлиги, қўни-қўшнилар аҳиллиги қадриятлар сифатида муайян кетма-кетликда, қадрланиш даражасига кўра иерархик шаклда ҳаётдан ўрин олиб келган. Қадриятлар қаторидаги тартибларнинг бузилиши жамият, сўнгроқ эса давлатнинг нурашига олиб келган. **Иерархия Шарқ турмуш тарзининг маромини белгилаб турувчи мувозанат меъёри, энг асосий тамал тошларидан ҳисобланган.** Иерархик тизим ҳамма жараёнларнинг ўз оқимида кечишига, пўртаналар юз бермаслигига кафолат вазифасини ўтаб келган.

Шарқ халқлари турмуш тарзи мураккабликлари тўғрисида ўлмас обидалар ёзиб қолдирган қадимги Хитой мутафаккири Конфуций **дунё барқарорлиги фақат моддий бойликларнинг тенг тақсимланишигагина эмас, балки умум томонидан эътироф этилган тенгсизликларга таянишга бевосита боғлиқ** эканини таъкидлайди. Атоқли мутафаккир одамларни тинчитиш учун уларни тенглаштириш эмас, балки, адолатли табақалашувга эришиш зарур, деб ўргатади. Дунё тинчлиги-унинг фикр қарашларига кўра, "ота ва бола", "эр ва хотин", "ҳоким ва фуқаро", "ака ва ука", "устоз ва шогирд", ўртасидаги тенгсизлик маромининг нечоғли сақланишига боғлиқдир. **Мабодо ана шу беш тенгсизликнинг бирор бир бўғинига дарз кетгудек бўлса, дастлаб оиладан, кейин жамоа, жамият ва ниҳоят давлатдан барака, файз кўтарилади ва умумий инқирозларга йўл очилади.**

Тенгсизлик тартиботининг мазкур формуласи нафақат узоқ Шарқ, балки Марказий Осиё мамлакатларида асрлар мобайнида амал қилиб келган. Бунинг тамомила акси сифатида Ғарб дунёси ҳар бир фуқаронинг ҳеч бир истисноларга боғлиқ бўлмаган реал тенглигига эришиш учун неча асрлаб кураш олиб борди ва бунга эришди ҳам.

Биз бугун ялпи тенглик учун кураш ҳаракати муайян маънавий қадриятларнинг нархи пасайиши, инсонийлик, эзгулик сингари тамойиллар аҳамиятининг сусайишига олиб келганидан қаъий назар, Ғарб мамлакатлари учун умумий юксак тараққиётга эришиш имкониятларини туғдирганлигини эътироф этмай иложимиз йўқ. Айни чоғда ялпи тенгликка эришиш жараёнлари оқибатида одамлараро муносабатлардаги илиқлик, маънавий қадриятларнинг нархи пасайиши, самимият, эзгулик, ҳамдардлик сингари тамойилларнинг ҳаётдаги аҳамияти сусайишига олиб келганини ҳам унутмаслигимиз зарурдир. Бугунги Ғарб дунёси учун индивидуализм, эгоизм, конформизм, маргиналлик, шафқатсизлик хусусиятларининг шахс сифатларига айланиб қолаётганини оммавий ахборот воситалари ташвишланиб қайд этмоқда.

Шу боисдан ҳам Ўзбекистонда халқимиз маънавий яхлитлигини сақлаб қолиш, ўзликдан чекинмаслик, соф инсоний фазилатларга таяниб иш тутиш асосида истиқболга интилиш сиёсати изчил юргизилмоқда.

Бинобарин, **демократиянинг асл моҳияти жамиятда адолат тамойилини қарор топтиришдан иборат** эканини эътиборга олсак, мамлакатимизда мазкур жиҳат қуйидаги омилларда яккол кўринади; Биринчидан, фуқароларнинг тинчлиги ва миллатлараро тотувлик тамойили умумжамият миқёсида ялпи қарор топганлигида ; иккинчидан, фуқароларнинг турли ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий жамиятларга бирлашиш эркинлиги кафолатлангани ва реал амал қилаётганида; учинчидан, маънавият, маърифат ва одоб-ахлоқ тамойиллари орқали инсоннинг инсонлигини ўзига англатишдан иборат умумжамият ҳаракатининг изчил амалга оширилаётганида; тўртинчидан, бозор иқтисодиётининг шафқатсиз муҳитига инсонни кучли ижтимоий ҳимоялаш орқали баҳамжиҳат кириб бориш сиёсатига қаътий амал қилинаётганида яққол намоён бўлмоқда. Мазкур омилларнинг умумий ва пиравард мажмуи эса мамлакатимизда адолат тамойилиниг ўзига хос ва ўзига мос тантанасини ифода этади.

Шундай қилиб, **Шарқ халқлари учун Ғарбга хос бўлган ҳаммани бир хил қаричда ўлчовчи тотал яъни ялпи тенглик формуласи эмас, балки инсонийлик талаблари тўлароқ бажарилувчи иерархик тенглик (пастдан юқорига, босқичма-босқич риоя қилинувчи муносабатлар тизими) формуласи кўпроқ мос келади.**

Иерархик тенглик формуласи Конфуций таъкидлаган инсоний қаноат, инсоф, диёнат, каттага ҳурмат, кичикка иззатдан иборат англанган чекланишларни эътиборга олган ҳолда яшашни тақозо этади. Мазкур талаб жамиятни фақат қонунлар кучи орқалигина эмас, балки маънавият ундови воситасида ҳам бошқаришга йўл очади.

Ўзбек менталитетининг демократияга таъсири

Ўзбеклар табиатдан жамоавий халқ бўлганидан ўзлигини ҳамиша атрофдагилар муносабатига кўра англашга мойилдир. Ўзликни жамоада англаш тамойили эса кишиларнинг оилада, маҳала-кўйда, ишхонада, жамоат ишларида қандай баҳоланиши билан ўлчанади. Масалан, тўйларимиз ёхуд маъракаларимиз обрўсини атрофдагиларнинг тадбиримизга қандай муносабатда бўлиши, яъни кимлар қатнашиши, қанча одам келишига кўра баҳолашга ўрганганмиз. Бу жиҳат юз йиллар мобайнида турмуш тарзимизда теран илдиз отиб бўлган.

Аммо, бугун дунё ва жамиятимизда вазият тамоман ўзгача манзара касб этиб улгурди. Биз бу ҳолатни, яъни ўзгарган дунёни ҳам тўла англаб етмаётганмизни ҳам тан олишимиз керак. Биринчидан, дунёнинг ҳаёт мароми, умр суръати тезлашиб жўшқин мазмун касб эта бошлади. Иккинчидан, бозор талаблари ҳамма нарсага сергаклик билан ёндошиш, ҳисоб-китобни қаътий олиб бориш заруратини кун тартибига чиқарди. Учинчидан, дунё жараёнлари билан доимий ҳисоблашиш атроф мамлакатларда юз бераётган жамики воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғусини кучайтириш заруратини муҳим талаблар даражасига чиқарди. Тўртинчидан, ҳар бир сиёсий гуруҳ, жамоа ёхуд алоҳида инсоннинг дунё жараёнларига бевосита таъсир кўрсатиш имкониятлари беҳад ўсди. Бундай шароитда одамларнинг тор, биқиқ муҳитда яшаш ва фаолият кўрсатишлари, фақат ўз анъаналари доирасида турмуш кечиришлари мумкин бўлмай қолди.

Дунё ўзгаришларининг муқаррар мантиқи жамият ва фуқароларга ҳам ўз турмуш тарзларини мутаносиб ўзгартиришларини қаътий талаб қила бошлади.

Истиқлолимизнинг дастлабки палласидаёқ ана шу катта ижтимоий эҳтиёжни ўз вақтида донишмандлик билан англаган Юртбошимиз жамият ҳаётини ислоҳ этиш, анъана ва маросимларимизни дунё ўзгаришлари мантиқига биноан мувофиқлаштириш ташаббуси билан чиқди. Тўй ва маъракаларни тартибга туширш, ортиқча исрофгарлик ва дабдабабозлик билан ўтказмаслик тўғрисидаги Президент фармонлари эълон қилинди. Жойларда бу фармон мамнуният билан қабул қилинди. Кўпгина ҳудудларда фармоннинг кучи ва воситасида тўй ва маъракалар ихчамлаштирилиб, халқни анъаналарнинг оғир юкидан халос этиш жараёнлари қизғин тус олди. Аммо мазкур фармонларни кутилган даражада ҳамма жойда ҳам бир хил самарали татбиқ этилмагани боис, маълум вақт ўтгач, ўрганилган одатлар одамларни яна ўз исканжасига ола бошлади. "Ким ўзарга" халққа тўй беришдан иборат бачкана иллатлар қайта жонланиб, турмуш ташвишлари юкини янада оғирлаштира бошлади. Бунга боис, ўзбек менталитети омилидан жойларда етарли фойдаланилмай келинганида эди. Одамлардаги ўрганилган стериотиплар, одатларга мойиллик хусусияти билан замона талаблари ўртасида зиддият юзага келди. Одамлар "бундай одатлар бизда бунда-ю, бошқаларда қандай экан", деб атрофга аланглай бошладилар. Бошқалар билан қиёслаш шуни кўрсатди-ки, бундай дабдабабозлик, кераксиз аюҳаннослар Ўзбекистондан бошқа ҳеч қайси юртда қилинмас экан. Жамиятда урф-одатларга танқидий руҳ юзага келди. Аммо, фақат кайфият билан ҳали ҳеч нарсани ҳал этиб бўлмайди. Ўзбекларга хос "қани энди ким нима қилар экан" ва "энди кимнинг ортидан эргашиб, кимдан ибрат оламиз", каби мулоҳазалар ўй-истиҳолалар ҳам таркиб топди.

Шу ўринда Ўзбекистондаги жамоавийлик табиатининг муайян чекланганлик жиҳатлари эсга тушади. Яъни халқимиз вакиллари бирор бир тадбир (тўй, маърака) қилишдан аввал қавм-қариндошлар, маҳалла, ишхона, таниш-билишлар тажрибасини мушоҳада қилиб кўради, бу ҳақда ўйлайди, фикр алмашади ва ҳатто маслаҳат ҳам қилиб оладилар. Ва бу жараён шу ерда тўхтайди. Тўхтамга, қаътий бир фикрга келинмайди. "Кўрпага қараб оёқ узатиш" таомилига ҳамиша ҳам амал қиланавермайди. Қаътий фикрга келиш учун эса ўзбекларга обрў-эътиборли одамлар, яъни тўй маърака қилувчи кимса учун муайян мартабали шахс, ёки раҳбарга таклид қилиш, тайёр андозага таяниш тақозо этилади. Ўзбеклар табиатан жамоавий бўлишига қарамай шахслар, лидерлар ибратига фавқулодда эҳтиёжманд халқдир.

Шундай қилиб таъкидлаш лозимки, **ўзбеклар жамоага қараб фикр-қилувчи, ўйловчи, таҳлил этувчи, аммо фақат шахсларга, лидерларга қараб иш қилувчи, қарор ва хулосаларга келувчи, халқдир.** Мазкур формула халқимизни демократия тартиботларига ўргатишда ҳам жуда асқотади. Зеро, демократия нафақат шахс ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, балки, бошқаларга халал бермай яшаш, жамоага доимий равишда ижтимоий наф келтириб бориш омили ҳамдир.

Халқимизни ибратли йўлга, жўшқин фаолиятларга самарали ундаш учун одамлардаги ўз раҳнамолари, лидерларидан рағбат олиш мойиллигига жиддий урғу бериш, ҳар бир ишда раҳбарнинг шахсий намунасига эътибор қаратиш катта аҳамият касб этади. Халқимиз ўз тарихидан қачон ўз лидерларига комил ишонч билан эргашган бўлса, зафар кучиб, обрў-эътибор, шон-шараф қозониб келган, қачонки, ўз лидерларига танқидий кўз, шубҳа қайфиятига берилиб ёндошган бўлса парокандалик, бебаракалик, қўрқоқлик, заифлик ботқоғидан чиқа олмаган.

Жамиятдаги обрў-эътиборли шахсларга эл олдида назарга тушган лидерлар омилига таяниш асосида иш тутиш ҳар бир бошланган ишда шубҳасиз самара беради. Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил Сурхондарё вилоятида ҳамда Олий Мажлиснинг 8- ва 9- сессияларида сўзлаган нутқлари раҳбар шахс омилининг юртни яшнатиш, элни фаровон қилиш борасидаги катта ўрни ва роли хусусида қайта-қайта таъкидлаб айтган сўзлари замирида ҳам миллатни фаровонликка эриштириш ғояси мужасамдир.

Миллий ғоя моҳияти-бирлашишда

Тараққиёт эҳтиёжи халқларда миллий ғояни катта ижтимоий сиёсий зарурат даражасига чиқаради. **Миллий ғоянинг бош мақсади ҳам одамларни умумий мақсадлар йўлида бирлаштиришдан иборатдир.**

Халқимиз жамоавий табиатли эканлиги боис, азалдан бирлашишга мойил бўлиб келган. Аммо, бу бирлашиш аксарият ҳолларда муайян уруғ, ҳудуд, қавм доирасидан юқорига чиқа олмаган. Ташқи душманлар эса халқимизнинг ана шундай тарқоқ бирлашувларидан усталик билан фойдаланиб келганлар. Бир уруғ ёки муайян ҳудудга қилинган таҳдидни бошқа уруғ ўзига кейинроқ муқаррар келувчи таҳдид тарзида етарли даражада англамаган. Тарихимизнинг деярли барча даврларида юз берган фожеалар тарқоқлигимиз, миллат даражасида бирлашмаганимиз оқибатида юз бериб келган.

Халқимизнинг асл фарзандлари, улуғ мутафаккирларимиз ғоя доирасида бирлашиш зарурати хусусида куюниб фикр билдирганлар. Халқимизда ҳам "мақсадлар йўлида бирлашганлар бирга ғолиб бўладилар, айрилганлар эса айри-айри мағлуб бўладилар" деган доно нақл бежиз айтилмаган. Жалолиддин Румий одамларнинг мақсадли бирлашишлари заруратини хусусида фикр юритиб, " Муҳаммад йўлидан борингиз, агар бу йўлдан бораолмасангиз, насронийлик йўлида бўлса ҳам бирлашингиз" (Идрис Шоҳ "Суфизм" М. 1994. 147-бет) деб таъкидлаганида катта маъно бор эди. Улуғ мутафаккир маърифат, имон –эътиқод йўлида бирлашиш ҳодисаси одамларни ўзаро тотувликка ижодий ўзгаришлар йўлида ҳамкорликка ундашига ишонади. Бинобарин, динлар ўртасида ихтилофлар чиқазиш ўтакетган жаҳолат бўлиб, ҳамма динлар ҳам пировард натижада одамларни сабр-тоқатга, инсофга, диёнат ва ҳамжихатликка ундаб келгандир.

ХХ аср бошларида жадидчилик ҳаракатининг бошида туриб, халқни бирлаштиришга уринган Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам умуммиллий бирлашиш, бирлашганда ҳам фақат маърифатли бирлашишгина миллатни ҳурриятга олиб чиқади, дея қайта-қайта таъкидлаб ўтган эди.

Истиқлолимизнинг дастлабки кунларидаёқ **Юртбошимиз тамонидан амалга оширилган тинимсиз саъй-ҳаракатлар натижасида халқимизнинг узоқ тарихи мобайнида ниҳоят миллий бирлашувга эришдик.** Бу бирлашув ғоҳ маҳаллий, ғоҳ минтақавий ва ғоҳ глобал таҳдидлар оғушида, оғир синовлар жараёнида катта қийинчиликлар билан қарор топтирилди.

Шундай қилиб, таъкидлаш жоизки, миллий ғоя даставвал бирлаштириш моҳиятига эга бўлган мақсадларни тақозо этади. Шу боисдан Юртбошимиз **"биз авваламбор қандай жамият қурмоқдамиз, ўз келажагимизни қандай тасаввур этамиз, деган саволларга ўз жавобларимизни аниқлаштириб олишимиз, шундан кейин одамларимизни ана шундай олийжаноб мақсадлар атрофида бирлаштиришимиз зарур"** деб алоҳида қайд этган эдилар.

Демократия тизимининг пировард мақсади инсонлар орзу-умидларини руёбга чиқариш экан, миллий ғоя бу мақсадга одамларни эзгулик йўлида бирлаштиришга хизмат қилади.

Ўзбекистондаги миллий бирлашув ўзбек менталитетини пухта ҳисобга олувчи, Ғарб фаоллиги, жўшқин энергияси билан Шарқ босиқлиги, донишмандлиги, юксак маънавиятини мутаносиб уйғунлаштирган, ўзига хос синтез ҳолатидаги бирлашувдир.

Шундай қилиб, демократия одамларни турли сиёсий қарашлар, мазҳаблар, қизиқишлар, интилишлар, кайфиятлар, этник ўзига хосликлар негизида бирлашиб ҳаракат қилишларини тақозо этса, миллий ғоя алоҳида уюшган фуқароларни ягона мақсад даражасида жамланиб ҳаракатланишига маънавий замин ҳозирлайди. **Демак, миллий ғоя одамлараро бирлашувларнинг олий даражаси ҳисобланади.**

Миллий ғоя ўтиш даврининг бош ҳаракатлантирувчи кучи сифатида турли мамлакатларда синовлардан ўтиб, ўзининг ҳаётчанлигини исботлаган. Агар ўтган асрнинг ўртасида фашистлар Германияси тазйиқи билан тасдиқ ва ниҳоят давлатдан барака, файз кўтарилади ва умумий инқирозларга йўл очилади.

Тенгсизлик тартиботининг мазкур формуласи нафақат узоқ Шарқ, балки Марказий Осиё мамлакатларида асрлар мобайнида амал қилиб келган. Бунинг тамомила акси сифатида Ғарб дунёси ҳар бир фуқаронинг ҳеч бир истисноларга боғлиқ бўлмаган реал тенглигига эришиш учун неча асрлаб кураш олиб борди ва бунга эришди ҳам.

Биз бугун ялпи тенглик учун кураш ҳаракати муайян маънавий қадриятларнинг нархи пасайиши, инсонийлик, эзгулик сингари тамойиллар аҳамиятининг сусайишига олиб келганидан қаъий назар, Ғарб мамлакатлари учун умумий юксак тараққиётга эришиш имкониятларини туғдирганлигини эътироф этмай иложимиз йўқ. Айни чоғда ялпи тенгликка эришиш жараёнлари оқибатида одамлараро муносабатлардаги илиқлик, маънавий қадриятларнинг нархи пасайиши, самимият, эзгулик, ҳамдардлик сингари тамойилларнинг ҳаётдаги аҳамияти сусайишига олиб келганини ҳам унутмаслигимиз зарурдир. Бугунги Ғарб дунёси учун индивидуализм, эгоизм, конформизм, маргиналлик, шафқатсизлик хусусиятларининг шахс сифатларига айланиб қолаётганини оммавий ахборот воситалари ташвишланиб қайд этмоқда.

Шу боисдан ҳам Ўзбекистонда халқимиз маънавий яхлитлигини сақлаб қолиш, ўзликдан чекинмаслик, соф инсоний фазилатларга таяниб иш тутиш асосида истиқболга интилиш сиёсати изчил юргизилмоқда.

Бинобарин, **демократиянинг асл моҳияти жамиятда адолат тамойилини қарор топтиришдан иборат** эканини эътиборга олсак, мамлакатимизда мазкур жиҳат қуйидаги омилларда яккол кўринади; Биринчидан, фуқароларнинг тинчлиги ва миллатлараро тотувлик тамойили умумжамият миқёсида ялпи қарор топганлигида ; иккинчидан, фуқароларнинг турли ижтимоий-сиёсий ва маданий-маърифий жамиятларга бирлашиш эркинлиги кафолатлангани ва реал амал қилаётганида; учинчидан, маънавият, маърифат ва одоб-ахлоқ тамойиллари орқали инсоннинг инсонлигини ўзига англатишдан иборат умумжамият ҳаракатининг изчил амалга оширилаётганида; тўртинчидан, бозор иқтисодиётининг шафқатсиз муҳитига инсонни кучли ижтимоий ҳимоялаш орқали баҳамжиҳат кириб бориш сиёсатига қаътий амал қилинаётганида яққол намоён бўлмоқда. Мазкур омилларнинг умумий ва пиравард мажмуи эса мамлакатимизда адолат тамойилиниг ўзига хос ва ўзига мос тантанасини ифода этади.

Шундай қилиб, **Шарқ халқлари учун Ғарбга хос бўлган ҳаммани бир хил қаричда ўлчовчи тотал яъни ялпи тенглик формуласи эмас, балки инсонийлик талаблари тўлароқ бажарилувчи иерархик тенглик (пастдан юқорига, босқичма-босқич риоя қилинувчи муносабатлар тизими) формуласи кўпроқ мос келади.**

Иерархик тенглик формуласи Конфуций таъкидлаган инсоний қаноат, инсоф, диёнат, каттага ҳурмат, кичикка иззатдан иборат англанган чекланишларни эътиборга олган ҳолда яшашни тақозо этади. Мазкур талаб жамиятни фақат қонунлар кучи орқалигина эмас, балки маънавият ундови воситасида ҳам бошқаришга йўл очади.

Шахс тараққиётининг жамият равнақига таъсири

Шахснинг сиёсий, иқтисодий ва экологик жараёнларига бевосита таъсир кўрсатиш имкониятлари ошганлиги муносабати билан дунёда инсон омилига янгича назарларда қараш тенденцияси кучайди. Инсонга ёндашиш, уни ўрганиш ва бошқариш масалалари атрофлича ўрганила бошлади.

Истиқболимизнинг дастлабки йилларидаёқ Ўзбекистонда ҳам инсон омилини фаоллаштириш муаммосига устивор масала сифатида ёндашиб келинмоқда.

Маълумки, бозор иқтисодиёти моҳият эътиборига кўра одамларнинг индивидуаллашувини, ҳар бир инсоннинг фаоллик даражасига кўра баҳоланишини тақозо этади. Айни чоғда бозор иқтисодиёти инсон имкониятларини руёбга чиқариш асосида унинг ижтимоий, сиёсий фаоллигига ҳам йўл очади. Бозордаги талаб ва таклиф жараёнларида мавқени қўлдан бермаслик эҳтиёжи ҳам ўз навбатида одамларнинг жўшқинлиги ва ҳаракатчанлигини доимий равишда тақозо этиб туради.

Ана шу омиллар фуқароларнинг ўз-ўзига бўлган талабчанлигини беқиёс даражада оширади, инсонларда "эго" яъни "мен" образи барқарор шакллана боради. Тоталитар тузум даврида одамларда мавкуравий жамоавийлик, яъни, коллективистик характерни шакллантиришга асосий этибор бериб келинган эди. Индивидуалистик кайфиятлар, кишиларнинг ўз тақдири ўзи учун мустақил ҳаракат қилиш ҳолатлари қаттиқ таъқиб остига олинар эди.

Истиқлол туфайли одамларнинг ўз тақдирларини ўзлари эркин белгилаш имкониятларига ҳам кенг йўл очилди. Шу йўналишда одамларнинг индивидуал равишда камолотга, фаровонликка, тўкинликка интилиш хусусиятлари ҳам равшан номоён бўла бошлади. Жамиятда юз бераётган ана шу ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Юртбошимиз "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати йиғилишида сўзлаган нутқларида **бунёдкорлик, яратиш йўлида қилинувчи барча саъй-ҳаракатларга кенг йўл** очиш зарурлигини алоҳида қайд этган эдилар.

Тан олиш жоизки айни чоғда жамиятимиздаги баъзи одамлар ижтимоий маънавий, интеллектуал янгиланишлар жараёнларига етарли даражада фаол иштирок этмаяптилар. Бизнинг назаримизда бунга асосий сабаблар қуйидагилар: биринчидан, одамларда собиқ тузум асоратлари, эскича тафаккур қилиш хусусиятларининг сақланиб қолаётгани; иккинчидан, одамларда ташаббускорлик, янги-янги фаолиятларни бошлаб юборишдан чўчиш, ҳадиксираш туйғусининг мавжудлиги; учинчидан, янги фаолиятларни бошлаш учун етарли билим ва малакаларининг етишмаслиги, хорижий тилларни билмаслик ва замонавий алоқаларга киришиш воситалари, ранг-баранг коммуникациялар тизимларига боғланиб ҳаракат қилиш малакасининг сустлиги, компьютерлардан фойдаланиш бўйича саводхонликнинг пастлиги; тўртинчидан ва энг таассуфлиси ана шу камчиликларни тез бартараф этиб ишга киришиш учун **шижоатнинг сустлигидир**. Шу ўринда **халқимиз менталитетида миллий шижоат фазилатларини мамлакат тарбия тизимининг барча бўғинлари** (оила, маҳалла, мактаб, университетлар, ишхоналар, оммавий ахборот воситалари, телевидение ва радио) орқали **тизимий равишда таркиб топтириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан эканлигини алоҳида қайд этиш жоиз деб ҳисоблайман.**

Иккинчи катта қусуримиз бу-ўз умримизга шафқатсизлигимиздир. Бундай дейишга асос шуки, аксарият фуқароларимиз маиший ҳаёт лаззатларини маънавий камолот, ўсиш, янгиланишга нисбатан устун қўйишга мойилдирлар. Одамлар оғзидан бугун қандай мазали таом еганликлари, яхши дам олганликлари, тўйларга борганликлари хусусида кўп ва хўп эшитамиз-у, аммо фалон роман, мақола ёхуд спектаклда шундай муаммо кўтарилибди, фалон театрда янги асар қўйилибди ёки янги кўргазма намойиш этилаётган экан, деган гапларни кам эшитамиз.

Табиийки, орамизда ҳамма хар хил ишлар билан банд бўлса, маънавият ишлари билан ўзининг одамлари шуғулланишлари керак эмасми, дегувчилар ҳам топилиши мумкин. Агар шундай дегувчилар бўлса халқимизда кўпчилик хотирасидан бироз кўтарилган, аммо ўз маъно оҳорини йўқотмаган бир мақолни эслатаман: "қул егани билан, чўри кийгани билан мақтанади. Бой эса кўргани, билгани, англагани билан ҳайратланади". Бу теран фикр замирида бир олам мазмун мужассамдир.

Доно халқимизнинг маънавият бисотида айтилганидек, қуллик психологиясидан халос бўлишимиз, маънавий баркамолликка интилишимиз бугунги кунда жуда муҳимдир.

Шу боисдан, шахс тараққиёти олдимизга қўйилган улуғвор вазифаларни ҳал этишда ғоят долзарб масала ҳисобланади. Шахсни ривожлатириш учун жамиятимизда барча имкониятлар ҳозирланган. Ҳамма гап бу имкониятлардан одамларнинг нечоғли фойдалана олишларидадир. Бунинг учун **ҳозирги пайтда умум жамият миқёсида ҳар бир шахс учун индивидуал тараққиёт дастурларини таркиб топтириш кун тартибидаги масала ҳисобланади. Индивидуал тараққиёт дастурлари барча мактаблар ўқитувчи ва ўқувчилари университетлар** талабалари, ишхоналар (давлат ва нодавлат ташкилотлар) **жамоат ташкилотларида фаолият юритувчи ходимлар учун умумий тарзда жорий этилмоғи ва унинг изчил бажарилиши устидан қатъий жамоат назоратини ўрнатиш,** ойма-ой мазкур дастурнинг бажарилиши мониторингини ошкоралик асосида амалга ошириб бориш, бу фаолиятларни оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидения орқали кўрсатиб, эшиттириб, оммавийлаштириб бориш шубҳасиз ижобий самаралар беради.

Зеро, ўзбек халқи табиатан меҳнаткаш, бағрикенг ювош ва бошқарилишига мойил халқдир. Бу халқ қанча донолик билан регуляция қилинса, яъни бошқарилса, шунча самарадорлик билан маънавий баркамолликка эришиш ва ижодкорлик билан фаолият юритиш салоҳиятига эгадир.

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Кечмиш

ПИЦУНДА ГУРУНГЛАРИ

1988 йил июнь ойида Пицундадаги адабиётчиларнинг дам олиши уйида Москва шаҳри, Кавказ ва Ўрта Осиё республикаларидаги бадиий журналлар публицистларининг ўн беш кунлик семинари бўлган. Бу семинарда Ўзбекистондан "Шарқ юлдузи" журнали вакили сифатида мен, "Звезда Востока" журналидан Анатолий Ершов қатнашганмиз.

Биз Пицундага етиб борган куннинг эртасига семинар бошланди. Таниқли публицист, Москвадаги жаҳон иқтисодиёти институти профессори Геннадий Лисичкин асосий маърузачи бўлди. У халқаро вазият, иқтисодий ва сиёсий аҳвол, журналистлар олдида турган вазифалар ҳақида маъруза қилди. Шундан кейин семинарнинг бошқа қатнашчиларига навбат билан сўз берила бошланди.

Ўша пайтда "ўзбек иши", "пахта иши" деган гаплар Бутуниттифоққа шов-шув бўлиб, барча ахборот воситалари шу ҳақда ёзаётган эди. Ўша йилларда Москвада яшаган бир танишимнинг таъбирича, ўзбек одамнинг Москвада бош кўтариб юриши қийин бўлиб қолган эди... Қорабоғдаги жанжал ҳам дам авжига чиқиб, дам сусайиб турганди.

Семинарда "Литературний Азарбайджан" журнали ходими Нодир Агашев сўзлаётганда, арманистонлик журналистлар унинг сўзини бўлиб ташлай бошлашди. Шунда Агашев дарғазаб бўлиб, бор овоз билан: "Мен бу ерга халқимнинг дардларини баён қилгани келганман. Менинг сўзимни бўлмай тинглашларингни истайман!" деб бақирди. Бу залда анча асабий вазиятни юзага келтирди. Семинарни ташкил этганлар жанжал чиқиб кетмасайди, деб хавотирлана бошлашди. Москвалик айрим журналистлар эса солжиницинча руҳда гапириб, мамлакатдаги иқтисодий танглик учун айбни республикаларга тўнкашди. Уларнинг фикрича, айрим республикалар "умумий дошқозон"га оз нарса солиб, кўп нарса олишаётган экан... Ўзбекистон шаънига ҳам анчагина салбий гаплар айтилди.

Умуман семинардаги муҳит, у ерда айтилган гап-сўзлар М.С.Горбачёв эълон қилган ошкоралик шишага қамалган "жин"ни чиқариб юборганлигини, эндиликда у Шўро империясидаги ижтимоий-сиёсий муҳитни анча "нари-бери" қилиши мумкинлигини шундоққина сездириб турарди.

Ўзбекистон ҳақидаги салбий гаплар, табиийки, шу юртнинг вакили сифатида менинг ҳам иззат-нафсимга тегди. Фақат шугина эмас, бошқа воқеа ҳам бўлган эди. Семинарга жўнаб кетишимдан тўрт-беш кун аввал Белоруссиянинг Подолск шаҳрида ҳарбий хизматни ўтаётган катта ўғлим Абдуназардан хат олган эдим. У хатида: "Ада, ҳарбий қисмимизда марказий матбуотда Ўзбекистон ҳақида берилаётган танқидий мақолаларни ўқиб, ўзбеклар ҳақида салбий фикр шакилланди", деб ёзганди. Ўғлимнинг хати мени ғазаблантирди. Ана холос! Мустақил ҳаётини эндигина бошлаётган бу йигитларда нима гуноҳ? дедим ўзимча. Семинардаги гаплар эса дард устига чипқон бўлиб, сабр косамни тўлгазди.

Менга сўз беришганда аввало "Шарқ юлдузи" журналида республикадаги ижтимоий-сиёсий, экологик муаммоларни ёритиш бўйича қилинаётган ишлар ҳақида гапирдим. Гапимни ниҳоялаётганимда эса Ўзбекистондаги салбий ҳодисаларга тўхталиб шундай дедим:

— Ўзбекистонда ҳам, бошқа республикаларда ҳам қўшиб ёзишлар, порахўрлар ҳам бор. Матбуотда ҳам бу ҳақда тинмай ёзилаяпти. Лекин салбий ҳодисаларнинг сабабларини очиб, сиёсий-фалсафий жиҳатдан атрофлича таҳлил иқилиб берган публицистика ҳали Ўзбекистон журналистлари томонидан ҳам, Марказдаги журналистлар томонидан ҳам яратилгани йўқ. Эҳтимол, бунинг учун маълум вақт ўтиши керакдир. Назаримда, Марказдаги журналистлар Ўзбекистон мавзусини ёритишда юзаки ёзилган шов-шувли мақолалар кетидан кўп қувишаяпти. Бундай қилиш мамлакат олдидаги байналминал бурчини ҳамиша бажариб келган бутун бир халқнинг ор-номусини, шон-шавкатини ерга уриб қўйиши мумкин. Қаердаки бирор жиноят оммавий тус олган бўлса, бунинг учун оддий халқ эмас, ҳукумат айбли бўлади. Сўнгги пайтда Ўзбекистондаги порахўрликлар Марказ билан боғлиқлиги аниқланмоқда.

Залда ўтирганлардан бири луқма ташлади:

— Бу ҳали исботини топмаган.

— Балиқ бошидан сасийди, — дедим мен шартта. — Бир ҳафта бурун СССР прокуратурасининг терговчилари Гдлян, Иванов Тошкентда журналистлар билан матбуот конференцияси ўтказишди. Шунда Гдлян сўзлаб: "Порани фақат Тошкентда эмас, Кремлнинг муқаддас Георгий залида ҳам олишган" деди. Бу матбуот конференцияси ҳақидаги ҳисобот "Правда Востока" газетасида эълон қилинди.

Ўша пайтда Марказ матбуотида Ўзбекистондаги порахўрликлар ҳақида кўп ёзилаётган эди-ку, лекин бу ҳодиса Москва билан боғлиқлиги ҳақида Ўзбекистондан ташқарида ҳеч жойда расман айтилмаган эди. Шу боис менинг гапим семинар қатнашчиларига қаттиқ таъсир қилди. Танаффусда ташқарига чиққанимда одамларнинг бир-бирига: "Кремлда ҳам пора олишган экан-а, мана аҳвол қай даражага борибди!" дейишгани қулоғимга чалинди.

Озарбойжонлик ҳамкасбим Нодир Агашев кечки пайт мени хонасига бир пиёла чойга таклиф қилди. Мен унинг ҳузурига бораётиб, Ўзбекистоннинг қуруқ меваларидан пакетга солиб олиб бордим. Мендан уч-тўрт ёш катта бўлган Нодир Агашев Эрон Озарбойжонида туғилиб, у ерда ўн ёшгача яшаган экан. Отаси инқилобий ҳаракатда қатнашганлиги учун таъқибга учраб, Эронни тарк этган ва оиласи билан Озарбойжонга кўчишган экан. Табиатан анча чапани, дилкаш бўлган ҳамкасбим мендан Ўзбекистондаги воқеаларни сўраб-суриштираркан:

— Порахўрлик соҳасида "полковник", "генерал" даражасига етганлар Тошкентда, "маршал"лари Кремлда эканда, — деди.

— Шундай, дедим мен. — Гдльян гуруҳидагиларни тўплаб дебди: "Энди Москва сари олға, йигитлар! Бу юришимизда ё ғалаба қиламиз, ё жарга қулаймиз".

— Олдинда катта машмашаларни кутиш мумкин эканда. Лекин Гдляннинг жарга қулаши аниқ, сабаби, эгаларига даф қилишни бошлабди.

Нодир мен олиб кирган меваларидан татиркан, гапини давом этказди.

— Москва матбуоти эса Ўзбекистонда миллионерлар кўпайиб кетди, деб ваҳоннос солаяпти. Мана шундай ажойиб меваларингиз бўлганидан кейин албатта бой бўласизлар-да. Бу мамлакатда ўзи ҳамма нарса чириди. Сиёсий бюрода эса тўқсон фойизи гипертоник чоллар ўтиришибди...

Ўша куни кечқурун Геннадий Лисичкин бошлиқ москвалик журналистлар меҳмонимиз бўлишди.

"Знамя" журналида бўлим мудири бўлиб ишлайдиган журналист Ю.С.Апенченко мени кўрганида, кечаги гапларим ёдига тушди, шекилли, ўтирганидан гапини Брежневни ёмонлашдан бошлади.

— Бу одамнинг мамлакатга етказган зарари Сталин етказган зарардан ҳам катта, — деди у. — У давлатчиликни бўшаштириб юборди, мамлакатда тартиб-интизом қолмади.

Апенченко Брежнев фаолиятининг сўнгги даврида у билан бўлган бир учрашувини гапириб берди. У бу пайтда "Правда" газетасида ишлар экан. Унга газета учун Брежнев билан суҳбат тайёрлаш вазифаси топширилибди.

— Бу пайтда у қариб, мункиллаб қолган эди, — деди Апенченко. — Олдига кириб, энди суҳбатни бошлаётганимда Брежнев тортмасидан бир пачка "Золотое руно" сигарети ва зажигалка олиб, олдимга қўйди-да:

— Марҳамат, чекинг, — деди.

— Раҳмат, мен чекмайман, — дедим.

Шу пайт телефон жиринглаб, Брежнев ким биландир гаплаша бошлади. Брежневнинг ёрдамчиси ёнимга келиб, қулоғимга секин: "Сиз чекинг. Ёнидаги одам чекса, Леонид Ильич роҳатланади. Сабаби, у яқинда чекишни ташлаган", деди.

Суҳбатимиз бошланди. Ёрдамчи ташқарига чиқиб кетиб, бироз муддат ўтгач, оғзида сигарет, қўлида бир мактуб билан кириб келиб, Леонид Ильичга берди. У мактубни ўқий бошлади, ёрдамчиси эса ёнида тик турганча сигаретини кетма-кет тортиб, тутунини Брежневнинг афтига пуфлай бошлади. Мен кулгидан ўзимни зўрға тутиб турдим...

Москвалик журналистлар билан улфатчилигимиз, Ершов айтганидай, ажойиб бўлди. Меҳмонлар Ўзбекистон ароғидан мазза қилиб ичиб, ширакайф бўлишгач, мамлакатдаги "сухой закон"нинг ташаббускори бўлган Лигачевни ёмонлай бошлашди. "Бу ўшанинг бемаъни иши бўлди, — деди даврадагилардан бири. — Ўзи на ичаркан, на чекаркан, Томск обкомида биринчи котиб бўлганида, ҳатто сигарет чекадиган ходимларини ҳам ишдан бўшатган экан. "Сухой закон"ни у дастлаб Томскда жорий қилган. Унингча, гўёки бу тажриба у ерда муваффақиятли чиққан. Аслида эса Томскда ичкилик савдоси таъқиқланганда, томскликлар қўшни Омскдан ичкилик сотиб олиб келиб ичишган, вилоятда ичкилик билан чайқовчилик қилиш авжига чиққан. Эндиликда бу тажрибани иттифоққа жорий этиб, жанубдаги минглаб гектарлаб узумзорларни йўқ қилди, бюджет миллиардлаб зарар кўрди, одамлар эса, ҳатто этик мойи таркибидаги спиртни ажратиб олиб ичишгача боришаяпти"..

Генадий Лисичкин "Известия" газетасида ишлаб юрган пайтида танқидий мақола ёзиш ниятида 1980 йилда Ўзбекистонда бўлганини гапириб берди. У мақола учун зарур фактларни тўплаб, Москвага қайтибди. Уйига кириб борса, хотини: "Вой, келдингми, кечадан бери КПСС Марказий Қўмитасидан тинмай қўнғироқ қилиб, сени йўқлашаяпти", — дебди. "Уларни менда нима ишлари бор экан?" "Ўзбекистон ҳақида ёзадиган танқидий мақолангни ёзмас экансан..."

Лисичкин Юқори Чирчиқ туманидаги "Политотдел" колхози раиси Хван билан учрашганини эслаб:

— У жуда доно, ишбилармон одам экан, — деди.

— Доно одамингиз ҳозир қамалиб ётибди-ю, — деди даврадагилардан бири.

— У шундай шароитга солиб қўйилган, — деди Лисичкин.

— Ҳозир Ўзбекистонда "пахта иши" билан қамалиб ётганлар орасида Хван сингари ишбилармон, оқил хўжалик раҳбарлари оз эмас, — дедим мен, — ҳукумат уларни авф қилса яхши бўларди. Барча инсофли кишилар шундай фикрда. "Пахта иши" билан қамалган хўжалик раҳбарларидан икки-учтасини мен шахсан биламан. Улар қамалишларини билганларида ўз бошларига ўзлари муштлаб урганлар, йиғлаганлар. Улар умр бўйи меҳнат қилиб топган обрўлари, шон-шавкатлари йўқ бўлишини тасаввур қилиб шу аҳволга тушишган. Бу — инсоний фожиаку! Ҳақиқий жиноятчи эса бундай аҳволга тушмайди. Битта "ёстиғи" қамоқхонада эканлигини билиб, унга ҳамиша тайёр юради.

Гап айланиб яна Брежневга тақалди.

— Александр Мурзин мазза қилди-да, — деди Апенченко. — Брежнев номидан тўрт табоқли китоб ёзиб, қўша-қўша мукофотларга эга бўлди.

— Қайси китоб?

— Брежневнинг "Эсдаликлар" китобининг "Қўриқ" қисмини ўша ёзган.

Апенченконинг айтишича, "Правда" таҳририятида унинг хонаси Мурзин хонаси билан ёнма-ён экан. У бир пайт Қозоғистонга хизмат сафари билан бориб, тўрт ой йўқ бўлиб кетибди. У ерда Брежнев "Эсдаликлар"ининг "Қўриқ" қисмини ёзиб келибди. Қўлёзмани Брежневга кўрсатишган экан, унга жуда маъқул бўлибди. "Жуда яхши ёзибди-я, унга миннатдорчилик билдириш керак, соат совға қилсакмикан-а?" дебди. "Биз Мурзинни хурсанд қиламиз, бу масала сизни ташвишлантирмасин, Леонид Ильич", — дебди Брежневнинг ёрдамчиси. Шундан кейин Мурзинни чақиришиб: "Тила тилагингни", дейишибди. У квартираси торроқлигини айтибди. "Яна, қандай илтимосингиз бор? — дейишибди. "Ёзган анча очеркларим бор. Шуларни бир китоб ҳолида эълон қилсам девдим", — дебди Мурзин.

Шундан кейин Мурзинга Москва марказида қурилган биринчи тоифали уйдан беш хонали квартира беришибди. Очерклари алоҳида китоб ҳолида эълон қилиниб, бу китобига Бутуниттифоқ комсомолининг мукофоти берилибди. "Халқлар дўстлиги" ордени билан тақдирланибди.

— Брежнев "Эсдаликлари"да ўзи ёзган жойлари ҳам борми? — дедим мен.

— У бир сатрини ҳам ёзмаган.

— Китобнинг "Кичик ер", "Тикланиш" қисмларини кимлар ёзган?

— "Кичик ер"ни Анатолий Аграновский, "Тикланиш"ни Аркадий Сахнин ёзган.

— Уларни ҳам тақдирлашган бўлишса керак?

— Албатта.

Шундай қилиб, сиёсий арбобни "ёзувчи"га айлантириб, СССР Ёзувчилар уюшмасига аъзо қилишди. Л.И.Брежнев ўзи бир сатрини ҳам ёзмаган китоби учун мамлакатнинг энг юксак мукофоти — Ленин мукофотини олишдан ҳам ор қилмади. Бу аслида, ажойиб рус ёзувчиси В.Ф.Тендряков "Хусусий мулкнинг ўзгариши" публицистик асарида олдиндан башорат қилиб ёзганидек, яхшига кун бўлмаган, душманлари ўзининг ичидан чиқадиган коммунистик тузумда ҳар қадамда учрайдиган сохтакорлик, кўзбўямачиликнинг бир кўриниши эди.

Шўро давлати қулаб, Брежневнинг айблари ҳақида матбуотда ошкора ёзила бошлангач, Александр Мурзин қилмишидан виждон азобига тушиб, Аркадий Сахнининг олдига борибди.

— Аркадий, — дебди у, — бизнинг Брежневга адабий малайлик қилганимиз бугун бўлмаса эртага жамоатчиликка ошкор бўлади. Шу боис, бу ҳақда бировлар ёзганидан кўра, ўзимиз ёзиб, айбимизга иқрор бўлганимиз маъқул эмасми? Ҳар ҳолда кўпчилик олдида юзимиз анча ёруғ бўларди.

— Агар шу ҳақда бирор жойда бир сатр ёзсанг, уриб тумшуғингни ёраман, — дебди Сахнин.

Бу журналистлар, барибир, кейинроқ бу ҳақда ёзиб, айбларига иқрор бўлишди. Лекин Брежневга китоб ёзиб бериб, олган қўша-қўша мукофотлари ҳақида лом-мим дейишмади.

Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ

Сабоқ

ИЙМОНЛИ ИНСОН САОДАТИ

Эзгулик ниятдан бошланади. Ниятни поклаш эса унинг ижобатига кафолатдир. Шу боис бобомиз Алишер Навоий "Садди Искандарий" достонида аввало Аллоҳдан "Менга шундай тил бергилки, ширин сухан билан Искандар забт эта олмаган етти иқлимни забт этай", деб ўтилади. Бу пок ниятнинг ижобатига биз гувоҳмиз. Аммо, гоҳида иймонли, эзгу ниятли инсонларнинг бари ҳам ислом фарз айлаган беш вақт намозни вақтида ўқий олмайди. "Дил ба ёру даст ба кор" — шу боис кўплаб иймон-эътиқодли ватандошларимиз учун ҳаёт тамойилига айланган.

Хўш, уламоларимиз мана шундай баҳслироқ, айримларга муаммолироқдек туюлган масалаларда изоҳ берсалар яхши бўларди. Дейлик, мен Аллоҳни танидим, эътиқодимда собитман энди бошимга салла ўраб олиб, беш вақт намоз ўқийманми? Ишим билан уни қандай уйғунлаштираман? дейдиганлар бор. "Аллоҳ дилингдагини билгувчидир". Аллоҳнинг жавобини эшитинг: "Инсонни яратдим Менга ибодат қилсин деб". Ибодат деб, Аллоҳ рози бўладиган кишининг яхшиликлар учун иймон билан қиладиган ҳар қандай ҳаракати ва бажарган иши тушунилади. "Намоз — ибодатнинг аълоси" деб ҳадисда тан олинган бўлса, ибодатнинг энг каттаси эса илм олишдир. "Илм олмоқ Аллоҳ наздида намоздан, рўзадан, закотдан, ҳаждан ва Аллоҳ йўлида жиҳод қилишдан ҳам афзалдир", деганлар Ҳазрати Пайғамбаримиз "Жиҳод тўрт хил бўлади: 1. Амри маъруф, яъни Аллоҳ насиҳатларини билмоқ ва унга амал қилмоқ; 2. Наҳйи мункар — Аллоҳ қайтарган нарсаларни билмоқ ва унга амал қилмоқ; 3. Оғир ҳолатларда ҳам рост гапирмоқ; 4. Ҳудога итоати чала, фосиқнинг масхара қилишига чидамоқ" (Ҳадис).

Комил инсон бўлишда фақат илмга эга бўлиш билан чекланиб қолмаслик, унга амал қилиш муҳим экан.

"Ибодатнинг яхшиси — енгилидир" *(Ҳадис)*

Бир киши сўради: "Намоздан афзалроқ нима бор?"

Жалолиддин Румий жавоб беради:

"1. Намознинг жони (руҳи) ўқилган намоздан устундир.

2. Иймон намоздан афзалдир".

Чунки, намоз кунда беш маҳал, иймон эса ҳамма вақт фарздир. Намоз узрли сабаб билан қолдирилиб, фурсат бўлиши билан адо этилиши мумкин. Иймон учун ҳеч қандай узрли сабаб билан бузилиб, кейинроқ бажариш рухсати йўқ. Иймонсиз намознинг фойдаси бўлмас.

Иброҳим ОДИЛ ўғли

Ҳамкорлик



Тошкентдаги Замонавий санъат марказида Ўзбекистонда Япония маданияти кунлари доирасида япон керамика усталарининг асарлари намойиш этилмоқда.

"Кашфиёт"!!!

БАХТ КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

Эй, Замин аталмиш курраде яшаб, ижод қилаётган файласуфлар, шоирлар, олимлар, журналистлар... ва уларнинг илмий-ижодий ишлари маҳсулидан баҳраманд бўлаётган жамики инсонлар! "Ҳуррият"нинг ушбу саҳифасига, янаям аниқроғи, ўқиётганингиз ушбу матнга шундай нигоҳ ила қарангким, Тоҳир Зуҳросининг рухсорига бу даражада шоён эътибор ила қаролмаган бўлсин! Нечукким, қуйида ҳазрати Одам алайҳиссалом яралмиш кундан то ушбу соатгача содир этилган кашфиётларнинг энг улуғи хусусида сиз, азизларга хабар берурмиз.

Маълумингизким, БАХТ тушунчаси устоди аввал Афлотундан тортиб профессор Мансур Бекмуродовгача бўлган милён-милён файласуфларнинг миясини ғовлатаётган буюк муаммолардан бири эди. Бир файласуф "БАХТ, бу — Ватан учун жон фидо қилишдир", деса, иккинчиси "БАХТ, бу — Яратганнинг жамолини кўришда", деди. Учинчиси "кўрганингдан гапир, бахт, бу — суйган қизингнинг васлига етишингдир", деди...

Бу буюк муаммони ҳал этишга, айниқса, сўнгги йилларда қаттиқ киришилди. Хусусан, республикамиз телевидениесида ишлайдиган қизчаларнинг учраган кишини тўхтатиб "Бахт нима?" деб сўрайверишлари ана шундан далолат беради.

Ва ниҳоят... "Бахт нима?" деган саволгагина эмас, "ана шу бахтнинг соҳиби- бахтиёр инсон ким?" деган фалсафий саволга ҳам ғоят лўнда ва мантиқли жавоб топилди! Энг муҳими, бу улуғ кашфиёт америкаликлар, немислар ёки японлар томонидан эмас, ўз ҳаммиллатларимиз бўлмиш ЎзТВнинг реклама-тижорат департаменти журналистлари томонидан содир этилди:

Махсус чипталар бордир,
Олганлар бахтиёрдир!

Тушуняпсизми, чипта сотиб олиш — БАХТ, уни сотиб олган киши эса — БАХТИЁР!

Ҳар қандай инсонни лол қолдирадиган бу "буюк илмий хулоса" Афлотун ёки Ницше, ё бўлмаса, Конфуций ёки Гегель томонидан эмас, айнан ўзбек тележурналистлари томонидан билдирилганлиги қалбларимизга оламолам ифтихор ҳисларини бағишлайди, албатта! Айни вақтда қалбимизнинг бир бурчида ачиниш ҳиссини туямиз: бечора Суқрот, бир умр хумда яшасанг ҳам бу "буюк кашфиёт" соҳиби бўлолмадинг-а!..

Узр, узр, олти миллиард инсон бахтга эришаётган пайтда ўлиб, суяги гилга айланиб кетган бир кишига ачиниб байрамона руҳга путур етказиш ғирт беъманилик, албатта! Шунинг учун қалбимга фақат ифтихор-у сурур ҳисларини жо айлаган ҳолда жамики бахтташналарга хитоб қиламан: Африкадами, Америкадами, Ҳиндистондами — қаерда яшашингиздан қатъи назар самолётдами, поезддами, туядами, эшакдами — дарҳол Тошкент томон йўлга тушинг ва "Тошшаҳарйўловчитранс"нинг бахт ҳадя этадиган махсус чипталаридан олиб қолинг! Бахтиёр инсонга айланган чоғингизда фақирни ҳам дуо қилиб қўярсиз, деган умидда исмимни ҳам рақам этяпман:

Мухтор НОСИР

Футбол

Анатолий КАСЬЯНЕНКО:

«СПОРТ ИНСОНЛАРНИ ЯҚИНЛАШТИРАДИ»

Хабар қилганимиздек, пойтахтдаги "Жар" спорт мажмуасида мамлакатимизда аккредитация қилинган элчихоналар ўртасида футбол мусобақалари ўтказилди. Шиддатли спорт курашлари остида ўтган ушбу мусобақаларда Украина элчихонаси футбол жамоаси ғолиб бўлди.

Қуйида Украинанинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Анатолий Касьяненконинг тадбир ҳақидаги мулоҳазалари билан танишинг.

— Анатолий Иванович, аввало ғолиблик билан табриклаймиз. Эшитишимизча, элчихона Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги Дипломатия сервис хизмати томонидан уюштирилган турли кўрик ва мусобақаларда доимо ғолиб бўларкан. Бунинг боиси нимада?

— Раҳмат. Биласизми, дипломатлар ҳар ҳолда ўз Ватанидан йироқда. Одатий ҳаёт тарзи кечиришолмайди. Шундай пайтда Сен ўзаро дўстлик ва ҳамкорликка ҳисса қўшиш учун келган мамлакат ана шундай инсонларнинг бошини қовуштириш, улар орасида самимий муносабатлар шакланишига ҳисса қўшишга қаратилган тадбирлар уюштиришини фақат табриклаш мумкин.

Мен уч йилдан буён Ўзбекистонда элчиман. Мамлакатингизда бирор йирик анжуман ёки тадбир йўққи, биз элчиларни таклиф этишмаган бўлишсин. Шу боис Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигига, хусусан Дипломатик сервис хизматига катта раҳмат айтиш жоиз.

Мен элчихонамизнинг ҳар бир ходими Украина ҳақида маълумот ташувчи, украин халқи маданияти ҳақида чуқур тасаввур бера олувчилар бўлишига ҳаракат қиламан. Шу боис илгарироқ миллий таомлар танловида ҳам биз ғолиб сифатида эътироф этилдик.

Футболга келадиган бўлсак, аввало бу тадбирлар мунтазам ўтказилиши мақтовга сазовор. Зеро биз бу мусобақалар ўтишини олдиндан биламиз. Унга тайёрланамиз. Бу йил ҳам ТошГРЭС стадионида анча машқлар ўтказдик.

Мусобақага ҳамма элчихоналар катта тайёргарлик билан келишди. Қозоғистон, Озарбойжон, Туркия, АҚШ элчиханалари жамоалари айниқса кучли рақиблар эди.

— Ўзингиз ҳам майдонга тушибсиз?

— Ҳа, ўзим ҳам, ўғлим ҳам тўп сурдик.

— Мусобақаларнинг аҳамияти ҳақида нима дея оласиз?

— Спорт азалдан халқларни, инсонларни бирлаштирувчи восита бўлиб келган. Спортчиларни бежизга "спорт кийимидаги элчилар", дейишмайди. Ҳатто сиёсатда, иқтисодиётда юксак натижаларга эришолмаган давлатлар спорт орқали обрў-эътибор орттирган замонлар бўлган. Яқин ўтмишда Куба, ГДР каби давлатлар тажрибасини эсланг. Улар йирик халқаро мусобақаларда ғолиб чиқиб, байроқлари ҳилпирашига, ўз мадҳиялари янграшига эришганлар. Спорт бу - ўзингни намоён қилиш имконияти. Унда миллат руҳи акс этади. Шу боис у ғоят аҳамиятлидир.

Бевосита ушбу мусобақага келадиган бўлсак, у элчилар, элчихона ходимлари ўртасида дўстона, самимий муносабатлар ўрнатилишига кўмаклашиш учун ташкил этилгани аниқ. Мен бир нарсани таъкидлайман: шу тадбир ўтказилганидан буён қайси қабул маросимларига бормай, мусобақа жараёни, унинг якунлари ҳақидаги суҳбатларга дуч келаяпман. Бу орада қанча дўстлар билан танишдик. Бу уюштирилган тадбир мақсадига эришилаётганидан далолатдир. Туйилган қанча туйғулар, қувончу изтиробларни айтмайсизми?

Ҳаммаси учун яна бир бор тадбир ташаббускорлари ва ташкилотчиларига ташаккур айтаман.

СУРАТЛАРДА: 1. Ўйин лаҳзалари. 2. Мусобақа очилиш маросими. 3. Украинанинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Анатолий Касьяненко ғолиблик совринлари билан.

Шавкат ЗУФАРОВ олган сурат.

Ривоят

НИЗОМУЛМУЛК

ИЗЗАТНИНГ СИНОАТИ

Мусо алайҳиссалом чўпон бўлиб, ҳали ваҳий келмаган пайтларда қўй боқиб юраркан. Бир куни бир қўзичоқ сурувдан ажралиб қолади. Мусо уни сурувга қўшмоқчи бўлади. Қўзичоқ қўрқиб, саҳрода қолиб, қўйлардан анча узоқлашади. Мусо алайҳиссалом унинг орқасидан қувиб, икки фарсанг юриб, тутиб олади. Раҳми келиб дейди: "Эй бечора, нега қочасан ва кимдан қўрқасан?"

Уни кўтариб келади. Қўзичоқ сурувни кўриб, нотинчланади. Унинг юраги тез ура бошлайди. Мусо уни елкасидан тушириб сурувга қўшади.

Эзид таоло ўз фаришталарига дейди:

— Қаранглар, менинг бандам бу тилсиз қўзичоққа қандай фазилат кўрсатди? Шунча қўзичоқдан ранж тортган бўлса ҳам, озор бермай, менинг иззатим учун уни кечирди, шунинг учун мен унга мартаба бериб, ўзимга калим қиламан ва у пайғамбарим бўлади, унга китоб нозил қиламан. Уни одамлар дунё тургунча эслайдилар. Шунинг учун Аллоҳ унга каромат-лар кўрсатган.

Таваллуд кунингиз муборак бўлсин!

Азиз ҳамкасбимиз — Бахтиёржон АБДУСАТТОРОВ!

Сизни таваллуд айёмингиз билан самимий табриклаймиз. Элимизнинг муносиб фарзандлари сифатида сафимизда доимо хушчақчақ, ижод завқидан баҳраманд, бахтиёр юришингизни тилаймиз.

«HURRIYAT»чилар.

Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси,Ўзбекистон Миллий матбуот маркази, "Ҳуррият" газетаси таҳририяти "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси Бош муҳарири вазифасини бажарувчи Мурод Абдуллаевга падари бузруквори

АБДУЛЛА бобо ЭШМУРОДОВнинг

вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзингни англаб ет!

Mustaqil gazeta HURRIYAT

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир **Амирқул КАРИМОВ**

Таҳрир ҳайъати: Турсунали АКБАРОВ (махсус мухбир), Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Наим КАРИМОВ, Норали ОЧИЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Исмат ХУДОЁРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Телефон: 144-25-06, 41-52-72.

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Отабек ОРТИҚОВ
Адади: 2834

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди —20.00
Буюртма — Г - 974

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Hurriyat kompyuter markazida Jamshed Tog'aev tomonidan sahifalandi.